Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 223 (20.191) • 1988 йил 28 сентябрь • чоршанба

Баҳоси 3 тийин.



ЧЎНГ ХИРМОН ЙЎЛИДА МАҲКАМ БОҒЛАБ БЕЛ, ТЕРИМГА ОТЛАНДИ ЁШУ ҚАРИ—ЭЛ!

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 27 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	3,22	58,76	2,42	29,91
Қашқадарё	2,95	41,24	2,99	30,96
Фарғона	2,50	33,84	1,79	8,41
Наманган	2,74	31,22	2,49	13,58
Андижон	1,88	31,03	1,19	6,63
Сурхондарё	2,99	29,73	4,31	26,69
ҚҚАССР	3,09	29,72	3,35	23,62
Тошкент	4,85	27,35	5,65	21,68
Бухоро	2,63	25,48	2,01	7,74
Сирдарё	2,86	13,14	3,37	12,38
Самарқанд	1,49	10,98	0,75	2,99
Республика бўйича:	2,75	28,72	2,77	16,21
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Наманган	1,98	44,60	—	—
Сурхондарё	3,47	32,10	7,38	39,68
Қашқадарё	2,69	22,21	4,11	20,28
Самарқанд	1,88	19,50	—	—
Бухоро	0,42	3,97	—	—
Республика бўйича:	3,04	27,79	5,93	31,23

Биринчилар қаторида

Иштихон районидаги Навоий номли колхоз механизаторлари районда биринчи бўлиб, машина теримига киришдилар. Ҳўжаликнинг Азим Жумаев бошлиқ бригадаси даласида механизатор Суннат Муродқобилов биринчи иш кунидёқ хирмонга 10 тонна пахта тўкди. Шу куни Яхшибой Қаршиев бошлиқ бригадада ҳам Зикир Жовбўриев хирмонга ўз агрегати бункеридан 5 тонна дурдона тўкди.

Бу йил хўжаликда ялпи ҳосилнинг 70 проценти механизмлар ёрдамида териб олинади. Мақсад — 1145 гектар майдондан она-Ватанга 3490 тонна пахта ҳадя этиш.

Ў. САНДОВ.



Жиззах районидаги Х. Носиров номли совхоз механизатори Эркин Умурзоқов мана 18 йилдирки пахтакорлик касби билан шуғулланади. У ҳар йили ўз агрегати бункеридан кўплаб «оқ олтин» бўшатади. Унинг нияти — бу йилги мавсумда 150 тонна «оқ олтин» териб бериш.

Суратда: Э. Умурзоқов.

Ш. ТЎРАЕВ фотоси.

ҲОЗИРГИ ЭНГ МУҲИМ МУАММО

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, Тошкент партия, совет, маъмурий органларининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга алоқадор комплекс масалалар муҳокама қилинди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида Озиқ-овқат программасини бажариш ғоят муҳим муаммо деб айтилди. Кенгашда айтиб ўтилганидек, одамлар аввало айни шу муаммонинг ҳал этилишига, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасига қараб партия мамлакатда ўтказаётган қайта қуришнинг амалий натижаларига баҳо берадилар.

Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда ҳам жиддий камчиликлар борлиги қайд этиб ўтилди. Харидорлар магазинларда кўпгина энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари тез-тез етишмай турганлигидан ҳаққоний газабланмоқдалар. Озиқ-овқат таъминотидаги объектив қийинчиликлар кўпинча савдодаги нопок ходимлар жўрттага вужудга келтираётган тақчиллик сабабли чуқурлашмоқда. Харидоргир бўлган ва аҳолига сотиш учун мўлжалланган маҳсулотлар — масалан, қанд-шакар ва гуруч баъзан ҳатто пештахтага ҳам қўйилмай, «орқа эшикдан» пуллаб юборилмоқда. Фондга ажратилган гўшт харидорни четлаб ўтиб, кўпинча кабобчи кооператорлар қўлига ўтмоқда ва улар буни айни шу харидорларнинг ўзларига оширилган нархда сотишмоқда.

Кўпинча гап ҳатто бирон бир маҳсулотнинг етишмаслигида эмас, балки шу маҳсулотлар савдосини тўғри ташкил эта билмаслик ёки истамасликда (бу эса одамларнинг сон-саноқсиз навбатда туришларига олиб келмоқда), харидорларга нисбатан лоқайдликдан, сусткашликдан ҳамда бир қанча масъулиятли ходимлар, идоралар ва хизматларнинг мавжуд ресурсларни реализация қилишдан манфаатдор эмасликларидан иборат кўпдан-кўп фактлардадир.

Кенгашда маҳсулотларнинг савдо тармоқлари орқали адолатли тақсимланишини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш устидан ғоят қаттиқ давлат назоратини йўлга қўйиш, ишчиларнинг қатъий назоратини қайта тиклаш ниҳоятда зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари учун қаллобларнинг ғайри-қонуний йўл билан бойиши учун бир восита бўлиб хизмат қилмасдан, балки аҳолига сотилиши керак. Вазифа бундай кимсаларнинг кирдикорларини яширишга, озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлашдаги инсофсизликка барҳам беришдан; шу маҳсулотларнинг истеъмолчига бемалол етиб боришини таъминлашдан иборатдир.

Айни вақтда кенгаш давомида озиқ-овқат базасини кенгайтириш, савдо тармоқларини озиқ-овқат моллари билан тўлиқроқ таъминлашга боғлиқ масалаларга кўп эътибор берилди.

Ҳозир ана шу маҳсулотларнинг салкам қирқ проценти ҳали далаларда эканлиги сир эмас. Сабзавот, меваларни йиғиб-териб олиш ва тайёрлашни, шу маҳсулотларни савдо тармоқларига етказиб беришни қатъиян жадаллаштириш керак. Савдо тармоғини картошка билан таъминлаш тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ жон куйдириш лозим. Бу йил республикада картошка масаласида кескин аҳвол вужудга келди, Россия Федерациясининг ва бошқа қардош республикаларнинг областларида мева-сабзавот маҳсулотлари билан товар айирбошлаш тартибида картошка тайёрлашни ҳам ташкил этиш керак. Республика Министрлар Совети, маҳаллий ҳокимият органлари мана шу ва бошқа кўпгина масалалар билан муттасил шуғулланишлари зарур.

Республикада аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда ҳали кўп имкониятлардан фойдаланилгани йўқ. Хусусий секторда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш секинлик билан кўпайтирилмоқда. Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, қишлоқ жойларида яшовчи ҳар бир оила ўз ҳовлисида сигир-бузоқ, қўй-эчки, парранда боқадиган бўлсин, дейилди кенгашда. Одамларни қизиқтириб манфаатдор қилиш, хонаки «фермалар»ни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш керак, холос. Ҳўжаликлар жамоат чорвасини ҳам, шунингдек гражданларнинг шахсий мулки бўлмиш чорва молларни ҳам ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги ғамхўрликни батамом ўз зиммасига олиши лозим.

Саноат корхоналари, шаҳар ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга ҳам кўпроқ эътибор бериш, бу хўжаликларда ишларни юксак илмий ва иқтисодий даражада олиб бориш керак. Ёрдамчи хўжаликлар моҳирлик ва манфаатдорлик билан юритилган тақдирда, улар меҳнат коллективларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларини жуда муваффақиятли ҳал этишга қодир эканлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Озиқ-овқат масалаларини ҳал этишда ошкоралик ғоят катта роль ўйнайди, деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари. Оммавий ахборот воситалари бу масалаларни доимо диққат-марказида тутишлари, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва тақсимлаш устидан ошкора назоратни таъминлашлари, меҳнат коллективларида ортгирилган илғор тажрибани оммалаштиришлари керак.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Интернационалист - медикларнинг биринчи Бутуниттифоқ слёти

27 сентябрь куни Тошкентда интернационалист-медикларнинг биринчи Бутуниттифоқ слёти очилди. «Раҳим-шафқат амалий ишларни тақозо этади» шиори остида ўтаётган бу слётни «Медицинская газета» редакцияси, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Медицина ходимлари касаба союзи Марказий Комитети, СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Союзи ижроия комитети СССР Мудофаа министрлиги билан ВЛКСМ Марказий Комитетининг иштирокида уюштирдилар. Слетда 1979 йилдан буён ўтган давр мобайнида Афғонистон Республикасида ишлаган ўн беш мингдан ортиқ совет граждан медиклари орасидан сайланган 230 делегат қатнашмоқда. Улар қийин шароитда фидокорлик ва юксак профессионал маҳорат кўрсатиб қардош мамлакатнинг жангчиларига ҳам, тинч аҳолисига ҳам медицина ёрдами бердилар. Тошкентга Эфиопия, Ангола, Кампучияга интернационал ёрдам берган граждан врачлар ва ҳамшираларнинг келишди. Афғонистоннинг ҳарбий врачлари, шунингдек Тошкент медицина ўқув юртларида билим олаётган афғон студентлари слётининг меҳмони бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова слёт қатнашчиларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети ва ҳукумати, барча меҳнаткашлари номидан табриклади.

Афғонистон Республикасининг президенти Нажибулло слёт иштирокчиларига табрикнома йўллади. Тадқиқотчи-космонавт врач В. Поляков слётни «Мир» орбитал станцияси бортидан табриклади.

Интернационал ёрдам бериш — мамлакат соғлиқни сақлаш системасининг шонли ва қадимий анъаналаридан бири эканлиги слётда таъкидлаб ўтилди. Совет медиклари хоҳ уруш ҳаракатларини бўлсин, хоҳ эпидемияни ёки табиий офат оқибатларини тугатиш бўлсин — барча синов кунларида бошқа мамлакатларнинг халқларига ҳамиша ёрдамга келдилар, ривожланаётган мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш миллий базасини вужудга келтиришда ёки улар учун кадрлар тайёрлаш ишларида кўмаклашдилар. Медицина ходимлари ўртасидаги алоқалар халқ дипломатиясининг реал ифодаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

— Интернационалист-жангчиларни тиббий ва социал жиҳатдан тиклаш муаммоларига эътиборни жалб этиш — слётнинг вазифаларидан биридир, — дейди СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари А. М. Москвичев. — Бу йўлда ҳозирнинг ўзидаёқ муайян ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг Снёсий бюроси Москва областидаги «Русь» санаторийсини реабилитация марказига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Яқин кунларда марказ дастлабки беморларни қабул қилади. Анапо шаҳрида, Днепропетровск областида, Ўзбекистонда ҳам шундай марказлар очилади. Янги шифохоналар ҳам қурилади. Уларда ишлаш учун биринчи навбатда «Афғонистон мактаби»дан ўтган врачлар ва рахм-шафқат ҳамширалари жалб этилади.

Интернационалист-медикларнинг ўзлари ҳам раҳм-шафқатга муҳтождирлар. Уларнинг кўпчилиги Ватанга қайтгач, ҳамкасблари, маъмурият ва жамоат ташкилотларининг ўзларига нисбатан бепарволигини ҳис этдилар. Улар турмушига оид муаммолар яхши ҳал этилмаяпти. «Биз граждан врачлари билан битта операция столи атрофида бўлдик, оғир яралорларни қутқариб битта вертолётда учдик, бу ерда, она диёрда эса ҳуқуқларимиз турлича — бу адолатдан эмас», деб ёзди «Медицинская газета»да госпиталь бошлиги подполковник Ю. Немитин.

— Тегишли ташкилотларга юборилаётган интернационалист-медиклар социал статусига оид таклифларни муҳокама этиб, қабул қилиш кўзда тутилади, — деди ташкилот комитетининг раиси, «Медицинская газета»нинг бош редактори К. В. Шчеглов.

Слёт қатнашчилари интернационалист-жангчиларни даволашга бағишланган илмий-амалий семинар ҳам ўтказадилар. Ўзбекистон ижодкор зиёлиларининг вакиллари билан учрашадилар, Тошкентдаги ҳарбий госпитални бориб кўрадилар. Слёт вақтида Тошкентда хайрия тадбирлари ўтказилади — совет эстрадаси усталари концерт берадилар, футбол мусобақаси ўтказилади. Улардан тушган пул интернационалист-жангчилар учун реабилитация медицина марказлари қуришга юборилади. Слётнинг биринчи кунида ҳукумат номидан совет интернационалист-медикларига «Миннатдор афғон халқидан» медаллари топширилди.

Слёт ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Г. Г. Кривошеев, СССР Мудофаа министрлиги Марказий ҳарбий-медицина бошқармасининг бошлиғи генерал-полковник Ф. И. Комаров иштирок этдилар. Слёт очилишида Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Ҳазрат Ҳамгар ҳозир бўлди.

Слёт ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

ВЕТЕРАНЛАР ТАЖРИБАСИ— ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ўзбекистон ССР Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг 27 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида уруш ва меҳнат ветеранларининг республиканинг ижтимоий-сиёсий турмушидаги иштироки ҳамда уларнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида гап борди.

Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломовнинг докладида, пленум қатнашчиларининг нутқларида уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари тузилганидан бери ўтган икки йил ичида кекса авлодлар вакилларининг республика турмушидаги иштироки сезиларли даражада ошганлиги айтиб ўтилди. Улар ёшларни совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш ишига, экономика, илмфан ва маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Уруш ва меҳнат ветеранлари қишлоқ жойларда ерни ижарага олиб меҳнат қилаётганликлари ва қорамолларни сўқимга боқиш, сабзавот ва бошқа маҳсулот етиштириш соҳасида юксак натижаларга эришаётганликлари тўғрисида кўпдан-кўп мисоллар келтирилди.

Шу билан бирга пленумда ҳали ҳамма жойда ҳам ветеранларни имкониятига яраша меҳнатга жалб этиш тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик қилинмаётганлиги, кекса авлод кишиларининг бой ҳаётий ва меҳнат тажрибаси жамиятимизга тўла хизмат қилдиришига ҳали эришилмаётганлиги тўғрисида гапирилди. Бу айниқса ветеранларнинг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ва уларни Совет Армияси сафида хизмат қилишга тайёрлашдаги иштирокига тааллуқлидир.

Пленум иштирокчилари уруш ва меҳнат ветеранларининг турмуш ва маиший шароитини янада яхшилаш масалаларига катта эътибор бердилар. Республика министрликлари ва идораларининг вакиллари кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг пленумида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Илғорларга тенглашинг

✦ Айни кунларда Беруний районидаги Беруний номли совхозда йиллик планнинг 3—3,5 проценти миқдорида «оқ олтин» тайёрланмоқда. Бунда механизаторларнинг ҳиссаси катта. Оллоёр Тожибоев, Олимбой Худиков, Дилбар Султонова, Холмурод Аметов сингари «зангори кема» капитанлари ўз машиналари бункерларидан кунига 7—8 тоннадан дурдона бўшатиб, мусобақада пешқадамлик қилишаётир.

* * *

✦ Раҳима Мўминова, Комила Умрзоқова, Озода Арапова ва Холида Ҳайитова сингари чевар теримчилар Тошлоқ районидаги Карл Маркс номли колхозда ўтказилаётган мусобақада олдинги сафда боришаётир. Уларнинг ҳар бири хирмонга кунига 130—140 килограммдан «оқ олтин» қўшмоқда. Кўпмингкилограммчиларнинг нияти — мавсум охиригача 6—7 тоннадан пахта териш.

* * *

✦ Учқўрғон районидаги Энгельс номли колхознинг моҳир механизатори Холмат Аҳмедов хўжалик хирмонига барака киритмоқда. У ҳар куни «зангори кема» бункеридан 8—9 тонна хом ашё бўшатмоқда.

КИМ НЕЧАНЧИ ЎРИНДА?

Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 26 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

Хонқа	64,40	50,52
Янгиариқ	60,96	42,67
Гурлан	59,95	34,84
Ҳазорасп	57,39	8,27
Хива	55,53	10,85
Қўшкўпир	52,60	24,58
Шовот	52,28	19,24
Боғот	51,48	16,10
Урганч	51,00	33,09

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

Қамашин	55,01	42,54
Яккабоғ	52,62	23,12
Чироқчи	50,49	23,46
Ғузор	47,40	22,92
Косон	44,86	49,84
Китоб	42,99	15,44
Қарши	39,81	37,56
Шаҳрисабз	39,50	7,71
Муборак	37,30	40,01
Нишон	24,64	26,90
Усмон Юсупов	24,59	24,71
Ульянов	24,25	16,74

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Бувайда	47,29	4,03
Ленинград	45,05	1,46
Ўзбекистон	39,77	26,27
Тошлоқ	38,39	2,76
Қува	29,91	2,57
Фрунзе	29,12	13,52
Бағдод	28,79	4,66
Қиров	27,35	6,82
Фарғона	27,25	6,17
Охунбобоев	25,06	2,52
Риштон	23,89	7,16
Олтиариқ	20,10	0,47

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Москва	41,08	7,42
Ленин	39,23	4,21
Олтинкўл	38,81	1,32
Пахтаобод	37,82	8,80
Андижон	33,43	6,43
Избоскан	32,38	16,72
Балиқчи	32,24	2,91
Хўжаобод	31,68	0,15
Комсомолобод	21,32	10,50
Марҳамат	19,27	0,09
Жалолқудуқ	17,06	0,77
Қўрғонтепа	13,87	0,22

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

Наманган	46,94	7,36
Уйчи	43,55	5,68
Тўрақўрғон	43,05	3,31
Янгиқўрғон	30,01	15,21
Поп	27,41	10,36
Учқўрғон	24,56	16,95
Задарё	22,22	14,62
Чуст	19,27	3,53
Косонсой	6,60	0,81

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Ленин йўли	36,03	45,34
Ангор	34,84	13,09
Термиз	33,67	14,69
Денов	31,77	24,43
Олтинсой	30,30	24,55
Сариосиё	28,60	10,03
Шўрчи	26,61	23,88
Жарқўрғон	24,28	8,05
Қумқўрғон	23,91	10,85
Шеробод	22,63	29,04
Гагарин	14,58	17,44
Бойсун	11,35	17,72

ҚҚАССР

Беруний	41,11	34,16
Тўрткўл	38,85	27,32
Амударё	38,49	35,25
Элликқалъа	33,86	22,53
Чимбой	22,94	17,79
Қораўзак	17,55	18,59
Хўжайли	14,58	12,29
Ленинобод	12,16	10,80
Кегайли	11,34	7,16
Қўнғирот	10,10	1,44
Шуманай	8,01	2,62

БУХОРО ОБЛАСТИ

Ғиждувон	28,55	8,95
Шофиркон	26,46	2,21
Ромитан	25,75	8,58
Свердлов	23,45	5,16
Қоракўл	22,46	2,45
Бухоро	19,12	6,31
Вобкент	15,88	4,83
Когон	10,49	7,09

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Янгийўл	31,43	19,52
Чиноз	29,89	14,33
Пискент	29,28	17,35
Бекобод	24,21	13,39
Бўка	23,19	20,38
Оққўрғон	21,71	14,67
Урта Чирчиқ	21,60	17,92
Коммунистик	15,84	19,26
Ғалаба	9,46	10,83

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

Жиззах	40,62	30,56
Фориш	38,27	52,56
Зомин	17,04	16,54
Пахтакор	13,90	15,68
Ильич	10,63	13,75
Октябрь	10,05	11,78
Дўстлик	10,02	9,80
Ховос	9,75	8,33
Ворошилов	9,62	6,23
Янгиер	7,98	8,03
Сирдарё	7,05	2,86
Боёвут	6,61	2,20
Гулистон	6,29	2,34
Арнасой	6,25	5,58
Мирзачўл	4,58	4,01
Оқолтин	2,25	1,16

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

Қизилтепа	22,96	1,27
Навоий	15,44	11,28
Хатирчи	14,52	4,45
Пахтачи	12,78	3,34
Нарпай	10,34	1,32
Каттақўрғон	10,24	0,47
Пайариқ	5,92	0,77
Пастдарғом	5,50	0,23
Иштихон	4,37	0,79
Оқдарё	4,21	—
Жомбой	3,01	—

СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1988 йил 28 сентябрь № 311 Москва шаҳри

БЕЛГИЛАНГАН ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ УТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1988 ЙИЛ ОКТЯБРЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИШ ВА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 1988 йил октябрь-декабрь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафларидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1-бандига мувофиқ ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан чақириқ кунигача 18 ёшга тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак граждан-лар, шунингдек чақириқни кечиктириш ҳуқуқини йўқотган катта чақириқ ёшидаги граждан-лар 1988 йил октябрь-декабрь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинларга ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталар, батареялар, эскадрильялар, ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри армия генерали Д. ЯЗОВ.

Комсомолнинг 70 йиллиги шарафига

26 сентябрь куни Тошкентда республика Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Ленин комсомолининг 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ илмий конференцияси очилди. Конференция Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббусига биноан чақирилди.

Мазкур учрашувда қатнашиш учун мамлакатнинг кўпгина шаҳарларидан, иттифоқдош республикаларнинг фанлар академияларидан 150 нафарга яқин ёш жамиятшунос келди. Конференция программасига кўра, янги ва энг янги тарих, филология, экономика, фалсафа, ҳуқуқ, манбашунослик фанларига доир энг муҳим муаммолар муҳокама қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ В. Я. ПРОСКУРИНАга «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Балет санъатини ривожлантиришдаги хизматлари ва республика хореография кадрларини тайёрлаганлиги учун А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг балет репетитор-педагоги ўртоқ Валентина Яковлевна **Проскурина**га **«Ўзбекистон ССР халқ артисти»** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. РОМАНОВСКИЙ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 27 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ҳ. У. ШАМСУДДИНОВга «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика музикали саҳна санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг дирижери ўртоқ Ҳамидулла Убайдуллаевич **Шамсудди**новга **«Ўзбекистон ССР халқ артисти»** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. РОМАНОВСКИЙ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 27 сентябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика опера санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг опера солисти ўртоқ Ольга Алексеевна **Александровага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр ишини ривожлантиришдаги хизматлари учун А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг декоратор-рассоми ўртоқ Тамара Федоровна **Маслюковага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар Октябрь район комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Анатолий Евгеньевич **Викторовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БУГУНГИ СОНДА:

✦ Пахтазор пешқадамларига тенглашинг! **1-бет**

✦ Республикамиз экономикасини ривожлантириш йўллари **2-бет**

✦ Сертармоқ хўжаликнинг иш кунлари **3-бет**

✦ Оталар жасорати — фарзандлар мероси **4-бет**

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари — ҳаётга!

ТУБ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ— БУТУН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ПОЙДЕВОРИ

И. ИСКАНДАРОВ, Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг ва КПСС Марказий Комитети 1988 йил июль Пленумининг қарорларига мувофиқ, жамият ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий турмушини қайта қуришни амалий равишда рўёбга чиқаришнинг энг масъулиятли даврига кирди.

Бундай қайта қуриш зарурлигининг сабаби шуки, социализмнинг ишлаб чиқарувчи кучлари узлуксиз ва революцион тарзда ривожланиши натижасида ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида ноантагонистик зиддиятлар тинимсиз келиб чиқмоқда. Бу зиддиятлар ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш соҳасидаги конкрет амалий тадбирларни кўриш, шу муносабатларнинг эскирган шаклларини янгилари билан алмаштириш орқали амалга оширилади. Чунки ишлаб чиқариш муносабатларида ижтимоий муносабатларнинг бутун мажмуаси акс этади. К. Маркс таъкидлаб ўтганидек, «ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндиси ижтимоий муносабатлар, жамият, деб аталган нарсаларни вужудга келтиради, вужудга келтирганда ҳам тарихий ривожланишнинг муайян босқичида турган жамиятларни вужудга келтиради...» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, М., 3-том, 203-бет).

Бинобарин, мазкур ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзи жамиятнинг иқтисодий структурасини, реал базисни ташкил этади, сиёсий ва юридик устқурма шу базис устига қурилади, ижтимоий онгнинг муайян шакллари ҳам шу базисга мувофиқ бўлади. Совет жамиятини ҳар томонлама тараққий эттиришни таъминлаш юзасидан партия ўртага қўйган вазифани амалга ошириш айни бутун ижтимоий турмушни қайта қуришнинг пойдевори бўлмиш туб иқтисодий ислоҳотни рўёбга чиқаришдан бошланганининг сабаби мана шундан равшан бўлиб турибди. Иқтисодий ислоҳотдан кейин сиёсий системани ислоҳ қилишга, жамиятни демократиялаш ва ҳуқуқий ислоҳотга, кейинги вақтларда эса миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга ўтилганлиги мутлақо табиийдир. Шу тариқа ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини қайта қуриш ва янгилашнинг кўп қиррали, улкан жараёни бошланди. Бутун мамлакатда бўлганидек, республикамизда ҳам қайта қуриш суръатлари ошиб бормоқда. Социалистик жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатини барпо этиш мақсадини кўзловчи моҳият эътибори билан революцион иш давом этмоқда.

Яқин ўтмишда экономикада қарор топган маъмуриятчилик-буйруқбозлик системаси, корхоналар фаолиятини тартибга солишнинг қаттиқ қоидалари, маҳаллий бошқарув органларининг ҳуқуқларини чеклаб қўйилганлиги, юқоридан планлаштириш, бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг ролини пасайтириш ҳоллари оқибат натижада экономикада ва жамиятда турғунлик ҳолатларига олиб келди. Яхши ишловчилар билан қолоқлар ўртасида тафовут деярли қолмади; маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш бефойда иш бўлиб қолди.

Бу зиддиятларнинг ҳаммаси 70—80-йиллар бўсағасида айниқса мамлакатда олға ҳаракат қилиш суръатлари ошкора пасая бошлаган бир пайтда ниҳоятда кескинлашди. Масалан, миллий даромадни кўпайтириш суръатлари VIII беш йилликдаги 41 процентдан XI беш йилликда 17 процентга тушиб қолди. Мамлакат фан-техника тараққиётида орқада қола бошлади, турмушнинг ҳамма соҳаларида қийинчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар кўпая борди, социализмга ёт бўлган турғунлик ҳолатлари ва бошқа иллатлар пайдо бўлди. Жамиятнинг эришилган тараққиёт даражаси билан раҳбарлик усуллари, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, социалистик қонунчиликни бузиш, бюрократизм ва волюнтаризм ўртасидаги зиддият ҳаддан ташқари кескинлашди.

Умуман мамлакатда экономика кризис арафаси ҳолатига тушиб қолган бўлса, Ўзбекистондаги турғунлик ҳолатлари ҳаддан зиёд кучайиб, республикани ҳақиқий кризис ёқасига келтириб қўйган эди. Чунончи, ялпи ижтимоий маҳсулотни кўпайтиришнинг ўртача йиллик суръатлари IX беш йилликда 7,2 процентни, X беш йилликда 5,7 процентни, XI беш йилликда эса 3,6 процентни ташкил этди, шу беш йилликнинг дастлабки икки йилида эса 1,9 процентдан ошмади. Миллий даромаднинг кўпайиш суръати ҳам шунга мувофиқ равишда 6,8 процентдан 5,7 ва 0,7 процентга, ижтимоий меҳнат унумдорлиги 3,8 процентдан 2,7 ва 0,7 процентга тушиб қолди. Кейинги икки йил ичида эса (1986—1987 йилларда) меҳнат унумдорлиги амалда ўрта ҳисобда 1,2 процент пасайганлиги яққол кўриниб турибди. Умуман ижтимоий меҳнат унумдорлигининг пасайиши ҳисобигагина республика халқ хўжалигида шу икки йил ичида 4,3 процент ёки 850,4 миллион сўмлик миллий даромад олинмай қолди.

Иш ҳақининг ошиш суръатлари эса меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларидан илдамлаб кетмоқда. Республика саноатида 1988 йилнинг олти ойи ичидагина меҳнат унумдорлиги 0,8 процент ошган бўлса, иш ҳақи 5,6 процент кўпайди. Бу — «ўзини ўзи кемирадиган» экономиканинг белгиси бўлиб, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида унга йўл қўйиш В. И. Ленин таъбири билан айтганда, «ўз юрагини душман қўлига топшириш» билан тенгдир.

Бундай самарасиз хўжалик юритиш аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичларига таъсир қилмай қолмаслиги табиий. Ўтган беш йилликда аҳоли жон бошига реал даромаднинг ўртача йиллик ўсиш суръати 4,6 процентни ташкил қилган бўлса, кейинги икки йил ичида бу кўрсаткич кўпайиш ўрнига 1,1 процент камайди. Социал муаммоларни ҳал этишнинг реал имкониятлари торайиб бормоқда: ҳозир Ўзбекистон социал инфраструктурани ривожлантиришнинг бир қанча кўрсаткичлари жиҳатидан мамлакатда сўнгги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жумладан, уй-жой билан ўртача таъминланиш Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичнинг атиги 65 процентини (иттифоқдош республикалар орасида 12-ўрин), касалхоналардаги ўринлар жиҳатидан 92 процентни (9-ўрин), бир сменада ўқитиладиган мактаблардаги ўринлар жиҳатидан 72 процентни (12-ўрин), доимий мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиш жиҳатидан 34,5 процентни (12-ўрин) ташкил этади. Асосий моддий неъматларни истеъмол қилиш даражасининг аҳволи ҳам яхши эмас. Республикада аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш Иттифоқдаги ўртача даражанинг ярмисига ҳам етмайди (15-ўрин), сут истеъмол қилиш соҳасида Иттифоқдаги ўртача даражанинг 53 процентини (14-ўрин), тухум истеъмол қилиш соҳасида 41 процентни (14-ўрин), мева ва резавор мева истеъмол қилиш соҳасида 61 процентни (13-ўрин) ташкил этади. Чакана товар оборотининг ҳажми аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, умумиттифоқ даражасининг учдан икки қисмига ҳам етмайди, пулли хизматлар билан таъминлаш жиҳатидан ярмига яқинини ташкил этади. **Мана шундай шароитда туб иқтисодий ислоҳотни ўтказиш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги системасини тезроқ шакллантириш Ўзбекистон ССР учун алоҳида аҳамиятга эгадир.**

Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорлари асосида хўжалик механизмини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Мунтазам, туб иқтисодий ислоҳот бир қанча аниқ-равшан принципиал чора-тадбирларни ўз ичига олади. Биринчидан, корхона (бирлашма)ларнинг мустақиллик чегараларини кескин кенгайтириш, уларни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш, энг юқори пировард натижалар, истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш учун уларнинг масъулиятини ошириш, коллектив даромадларининг даражасини унинг иш самарадорлигига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш, меҳнат коллективларида коллектив пудратни кенг миқёсда ривожлантириш мана шу чора-тадбирлар жумласига киради.

Ишлаб чиқаришнинг асосий, бирламчи бўғини ролини ошириш — социалистик централизм принципларини ривожлантиришга, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга сифат жиҳатдан янгича ёндашувдир. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни хўжалик юритишнинг мазкур принципларини жорий этиш учун негиз яратди. 1987 йилнинг июнида шу қонуннинг қабул этилиши халқ хўжалиги асосий бўғинининг хўжалик фаолияти иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб берди, экономикани қайта қуриш йўлини юридик жиҳатдан мустаҳкамлади.

Ҳозир Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқаришнинг асосий 1605 та асосий бўғини, шу жумладан саноат корхоналарининг чорак қисми, 40 та қурилиш тресты, Сурхондарё областининг бутун агросаноат комплекси, темир йўл ва ҳаво транспортининг, алоқанинг барча ташкилотлари, кўпгина чакана савдо ташкилотлари тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва мустақиллик шароитида ишламоқда. Саноат маҳсулотининг ярмидан кўпроғи янги шароитда ишлаётган коллективлар улушига тўғри келмоқда. 1989 йилнинг 1 январидан бошлаб эса республика моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг қолган ҳамма корхоналари тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказилади.

Иқтисодий ислоҳотнинг дастлабки одимлари меҳнат коллективларининг фаолиятини кучайтирганини, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига ижобий таъсир қилганини шу йилнинг етти ойидаги иш якунлари кўрсатиб турибди. Чунончи, умуман республика саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 1,6 процент, меҳнат унумдорлиги эса 0,8 процент кўпайган бўлса, тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказилган бирлашма ва корхоналарда ишлаб чиқаришнинг ўсиши 4,4 процентни, меҳнат унумдорлигининг ошиши эса 4 процентни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги хусусида шуни айтиш керакки, янги шароитда ишлаётган колхоз ва совхозларда, хўжаликлараро корхоналарда гўшт етиштириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 процент, сут етиштириш 8 процент кўпайди, бошқа хўжаликларда эса гўшт етиштириш 8 процент, сут етиштириш 5 процент ортди.

Иккинчидан, туб иқтисодий ислоҳот Лениннинг кооперация тўғрисидаги ғояларини социалистик қурилишнинг ҳозирги босқичига татбиқан амалий равишда қайта тиклашни кўзда тутади. Ўзбекистонда кооперация ҳаракати кучайиб бормоқда. Чунки кооперативлар замирида экономикани ривожлантириш ва социал муаммоларни ҳал этишнинг катта резервлари бор. 1988 йилнинг биринчи ярмида республикадаги кооперативлар тармоғи қарийб икки баравар кўпайиб, 1331 тага ва уларда ишловчилар сони 29 минг кишига, ишлаб чиқариш ҳажми 50 миллион сўмликка етди. Кооперативларнинг савдо-харид қилиш, медицина, фан-техника, спорт-соғломлаштириш турлари, ҳатто иқтисодий ва кўп тармоқли кооперативлар бўлмиш комбинатлар ташкил этилиб, ривожланиб бормоқда. Барча кооперативларнинг 77 проценти Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги системасига тўғри келади, бу министрликда реализация қилинаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат жами ҳажмининг 28,5 процентини мазкур кооперативлар ўз зиммасига олган. Умумий овқатланишнинг 26,3 проценти, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг 23,5 проценти, иккиламчи хом ашё тайёрлаш ва қайта ишлашнинг 0,5 проценти кооперативлар улушига тўғри келмоқда. Шундай бўлсада, кооперативларнинг ривожланиш даражаси ўртага қўйилган талабларга жавоб бермайди, ҳали кооператив ҳаракати жўшқин тус олгани йўқ. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг улуши республикада моллар ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг атиги 0,2 процентини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, шу йилнинг 1 июлигача рўйхатдан ўтказилган 553 та кооператив ҳали ўз фаолиятини бошлагани йўқ.

Меҳнатни ташкил этишнинг янги, илғор формалари — хўжалик ҳисобидаги бригада, коллектив, бригада, оила ва ижара пудрати ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун жуда катта аҳамиятга эга. Ижара пудрати ҳаётга йўлланма олиб, тез суръатлар билан ўсмоқда. Колхоз ва совхозларда ҳозир 407 та бригада, 32 та мустақил звено ва 696 та оилавий звено шу усулда ишламоқда, уларга 84 минг гектар экинзор бириктириб қўйилган. Чорвачиликда 29 та бригада, 12 та мустақил ва 1925 та оилавий звено ишлаб турибди. Улар 14 минг бош қорамол, 17 минг бош қўй ва эчки, 243 бош чўчқа боқмоқда.

Бир қанча қурилиш, транспорт ташкилотлари, маиший хизмат, савдо муассасалари ҳам ижара пудрати асосида ишламоқда. Жумладан, «Узагромонтаж» трестининг 250 киши ишлайдиган 333-ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колоннаси, «Ташпромстрой» трестининг 3 та заводи, Тошкент агрегат заводининг битта участкаси шу усулга ўтган. Тошкентдаги 6-автопаркда 295 та машина, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Намангандаги иккита тикувчилик фабрикаси ва бошқа бир қанча коллективлар ижара пудрати асосида ишламоқда. Ҳозирги вақтда республика саноати ва қурилишида хўжалик ҳисобидаги салкам 16 мингта бригада тузилган, 47540 кишини бирлаштирган қарийб 6 мингта бригада пудрат шароитида меҳнат қилмоқда. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг коллектив формаларини жорий этиш меҳнат унумдорлигини ўрта ҳисобда 15—20 процент кўтаришга, меҳнат ҳақи даражасини оширишга, моддий ва меҳнат ресурсларини тежашга кўмаклашишини дастлабки тажрибанинг ўзиёқ кўрсатди. Ҳозир республикада деҳқончиликдаги бригадаларнинг салкам 90 проценти ҳамда чорвачиликдаги бригадаларнинг 60 проценти коллектив ва оилавий пудрат билан қамраб олинган бўлиб, улар жами қарийб олти миллион сўмлик ялпи маҳсулот етиштиришмоқда. Коллектив пудрат ернинг чинакам соҳиби бўлиб қолган жойларда меҳнат натижалари умуман хўжаликда эришилганига қараганда 20 — 30 процент юқори бўлмоқда.

Учинчидан, иқтисодий ислоҳот ишлаб чиқаришнинг бошланғич бўғинларига кўпроқ мустақиллик бериб, экономикага марказлаштирилган раҳбарликни тубдан қайта қуришни, унинг куч-ғайратларини тармоқлар ва умуман халқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси, суръатлари ва пропорцияларига, унинг мутаносиблигига қаратишни кўзда тутади. Шундай қилиб, марказ қуйи хўжалик бўғинларининг оператив фаолиятига аралашишдан холи бўлади. КПСС XXVII съездининг қарорларида таъкидлаб ўтилганидек, марказий органлар бундан буён ўзларининг диққат-эътиборини фақат марказдагина ҳал этилиши мумкин ва лозим бўлган масалаларга ҳамда корхоналар, бирлашмалар ва территориал маъмурий бирликларнинг самарали хўжалик юритишлари учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришга қаратишлари керак. Шу тариқа экономикага марказлаштирилган планли раҳбарликни унинг айрим бўғинлари мустақиллиги билан, товар-пул муносабатларини ривожлантириш билан энг яхши тарзда қўшиб олиб бориш таъминланади.

Тўртинчидан, планлаштиришни тубдан ислоҳ қилишнинггина эмас, шу билан бирга иқтисодий бошқарувнинг жамики бошқа энг муҳим соҳаларини — нарх белгилашни, пул билан таъминлаш ва кредит беришни, ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдога ўтишни, фан-техника тараққиётини, ташқи иқтисодий алоқаларни, меҳнат ва социал жараёнларни бошқаришни қайта қуришни ҳам экономикага марказлаштирилган раҳбарликни қайта қуриш билан чамбарчас боғлаб амалга ошириш талаб этилади. Мазкур масалаларнинг бутун комплексини ҳал этишгина экономика асосий бўғинининг самарали ишлаб чиқариш фаолияти учун тегишлича вазиятни вужудга келтиради.

Халқ хўжалиги плани масалаларига келганда шуни айтиш керакки, экономикага марказлаштирилган раҳбарликни стратегик, чинакам халқ хўжалик муаммоларига қаратиш истиқболли планлаштиришнинг ролини анча ошириш билан боғланган. Бундан буён халқ хўжалиги истиқболларининг дастлабки хўжалик-сиёсий платформаси сифатида СССРни ва ҳар бир иттифоқдош республикани иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришнинг ўн беш йиллик даврга мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилади. Концепцияга ҳар беш йилда аниқлик киритилади, халқ хўжалигида рўй бераётган ўзгаришларни, экономика олдида пайдо бўлаётган янги вазифаларни эътиборга олиб, қўшимча равишда ишлаб чиқилади ва навбатдаги беш йилликка узайтирилади. Концепция мамлакат ва иттифоқдош республикалар иқтисодий ҳамда социал тараққиётининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва дастлабки беш йиллик даврни батафсилроқ ажратиб кўрсатиш учун илмий асосланган программа бўлиб хизмат қилади. Унда партиянинг иқтисодий стратегияси конкрет рақамлар ва топшириқлар тарзида моддийлаштирилади.

Иқтисодий ва социал ривожланиш давлат беш йиллик плани асосий йўналишларда кўзда тутилган мақсадлар ва вазифаларни рўёбга чиқаришнинг бош шакли бўлиб қолаверади. Шу билан бирга беш йиллик планларни ишлаб чиқишда территориал бошқарув органларининг, корхона ва бирлашмаларнинг роли анча оширилади. Энди корхона ва бирлашмалар ўзларининг беш йиллик планларини мустақил ишлаб чиқиб тасдиқлайдилар.

Ўн учинчи беш йилликдан бошлаб йиллик планларни ишлаб чиқишда ҳам чуқур ўзгаришлар рўй беради. Халқ хўжалиги даражасида планлаштиришнинг мустақил шакли сифатида йиллик планларни ишлаб чиқишдан воз кечиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Корхона ва бирлашмалар ўзларининг йиллик программаларини беш йиллик план кўрсаткичларига, давлат буюртмаларига ва нормативларига таяниб тузадилар.

Бешинчидан, асосий бўғиндан тортиб то тармоқлар, регионлар ва умуман халқ хўжалигигача бошқарувнинг янги ташкилий структураларини барпо этмай туриб экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиб бўлмайди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари юксак самара билан ишлашига энг мақбул шароитни яратишга шу йўл билан эришилади. Асосан — 40—50-йилларда барпо этилган ҳозирги бошқарув системаси эскириб қолганлиги яққол кўриниб турибди. Бу структура кўп бўғинли ва бесўнақай бўлиб, унга бюрократизм сингиб кетган, шу сабабли у жамият ва мамлакат олдида турган қайта қуриш мақсадларига эришишни таъминлай олмайди.

Бошқа республикаларда бўлгани каби Ўзбекистон ССРда ҳам шу камчиликларни тугатиш мақсадида халқ хўжалигини бошқаришнинг янги бош схемаси ишлаб чиқилиб жорий этилмоқда, бу схема раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмурия т ч илик усулларидан асосан иқтисодий усулларига ўтиш учун зарур шарт-шароит яратади, иқтисодий ва социал ривожланишга комплекс ёндашувни таъминлайди. Жумладан, республика бошқарув бўғинида турдош вазифаларни бажарувчи Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари йириклаштирилди ва бирлаштирилди, марказий бошқарув аппарати ходимларидан қарийб 5 минг киши ёки ярмиси қисқартирилди.

Область бўғинида XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг тўла ҳокимиятли халқ вакиллиги органлари бўлмиш халқ депутатлари Советларининг роли ва ваколатларини тўла ҳажмда қайта тиклаш тўғрисидаги йўл-йўриқларига амал қилиб, территорияларни ривожлантиришни комплекс планлаштириш, маҳаллий меҳнат, табиий ишлаб чиқариш ресурсларидан ва иқтисодий ресурслардан янада оқилона фойдаланиш соҳасидаги вазифалар республика органларидан маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига олиб берилмоқда. Жиззах ва Сирдарё областлари бирлаштирилиб Сирдарё области, Самарқанд ва Навоий областлари бирлаштирилиб, Самарқанд области тузилди. Бу чора-тадбирларнинг ҳаммаси область бўғинидаги бошқарув аппарати ходимларини 30 процент қисқартириш имконини беради.

Халқ хўжалигига амалий раҳбарлик қилиш учун областларда халқ депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг бош план-иқтисодий бошқармалари тузилиб, область план комиссиялари (облпланлар) уларнинг составига қўшилади. Область территориясидаги бутун иқтисодий ишга раҳбарлик қилиш, бу ишга маҳаллий молия, банк, статистика органлари ва бошқа органларни фаол жалб этиш шу бошқармалар зиммасига юклатилади.

Шундай қилиб, айниқса, иқтисодий ислоҳот доирасидаги қайта қуриш республикада дастлабки қадамларни қўймоқда. Планлаштириш системасини экономиканинг бошланғич бўғинидан тортиб комплекс такомиллаштирган тақдирдагина кўрилаётган чора-тадбирларнинг реал самарасини кучайтириш мумкинлигини тажриба кўрсатиб турибди, шу йўл билангина янги хўжалик механизми замиридаги ҳамма афзалликлардан тўла-тўкис фойдаланиш мумкин. Афсуски, ҳозирча корхоналарнинг ишида ишлаб чиқариш муаммоларига ҳамиша ҳам иқтисодий ёндашув таъминланаётгани йўқ, тиғиз планлар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва молия ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, маҳсулот сифатини ошириш учун ҳамма жойда ҳам рағбатлантириш омиллари яратилмаган. 1988 йилги планни тузиш пайтида, ўтган йилларда бўлганидек, турли баҳоналар билан топшириқларни камайтиришга интилиш давом этди, маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдани кўпайтириш резервларини яширишга уриниб кўрилди.

Давлат буюртмалари беришнинг мавжуд тартиби мукаммал эмаслиги ҳам аниқ бўлиб қолди, давлат буюртмалари ҳали ҳам бошқарув ислоҳотининг асосий қоидалари талаб қилганидек ишлаб чиқаришни планли бошқаришнинг ҳақиқий иқтисодий омиллари бўлиб қолгани йўқ. Бир қанча республика министрликлари ва идораларида 1988 йилги давлат буюртмалари бутун ишлаб чиқариш программасини қамраб олди, бу эса экономика асосий бўғинининг маҳсулот турларини, шартнома тузиладиган мижозларни танлаб олишдаги мустақиллигини кескин чеклаб қўйди, ишлаб чиқаришни истиқболда техникавий жиҳатдан янгилаш йўналишларини излаш йўлларини торайтирди.

Давлат буюртмаси таркибига ҳеч ким талаб қилмаётган маҳсулотни киритиш ҳоллари кўпинча бемаъниликларга олиб боради. Масалан, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасига 1988 йилги давлат буюртмаси таркибига 2 миллион сўмлик станок юриткичлари киритилган эди. Истеъмолчи бу маҳсулотни рад қилганлиги маълум. Шунга қарамай, СССР Электр техника саноати министрлиги 1989 йилда шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини 10 миллион сўмликка етказишни талаб қилмоқда. «Средазкабель» бирлашмасига эса шу корхонанинг қувватларидан 2,6 баравар ортиқ бўлган ҳажмда шлангали симлар ишлаб чиқариш ҳақида давлат буюртмаси берилган.

Ҳозирги вақтда давлат буюртмаси категорияси тубдан такомиллаштирилаётганини айтиб ўтиш зарур. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги плани лойиҳасидаги энг муҳим принципиал хусусиятлардан бири шундан иборатки, республика қарамоғидаги хўжалик бўйича ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида давлат буюртмасининг улуши кескин камайтирилган: дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, келгуси йилги давлат буюртмасининг улуши 1988 йилдаги 49,9 процентдан салкам 20 процентга туширилган. Маҳсулот турлари жиҳатидан эса давлат буюртмасининг ҳажми 53 тадан атиги 11 тагача камайтирилади. Бу ҳол корхоналарга бевосита алоқаларни йўлга қўйиш, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш негизида ўз мустақиллигини амалда рўёбга чиқариш учун имконият очади.

Туб хўжалик ислоҳоти принципларини амалда рўёбга чиқариш илмий асосланган барқарор иқтисодий нормативларни ва аввало корхоналарда меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш фаолиятини иқтисодий рағбатлантириш, коллективни социал ривожлантириш фондларини, давлат бюджетига тўловларни белгилаб берадиган нормативларга боғлиқ бўлади.

Баъзи иттифоқ министрликлари томонидан бевосита буйруқбозлик қилиш, Давлат корхонаси тўғрисидаги қонунни бузиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди. СССР Газ саноати министрлиги «Узбекгаз»га жами 25 миллион сўм турадиган бешта импорт станокни тиқиштирди. Корхона мана шу қимматбаҳо, аслида кераксиз ускунадан бир неча марта бош тортишига қарамай, министрлик ўз қарори бажарилишини истамоқда, бу эса тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шартларига зиддир. СССР Қишлоқ хўжалик ва трактор машинасозлиги министрлигининг кўрсатмасига биноан Тошкент агрегат заводига бошқа корхона учун лойиҳаланган қайта ишлаш маркази — мослашувчан ишлаб чиқариш системаси тиқиштирилди. 4,5 миллион сўм турадиган бу система уч йил ишлаб туриши натижасида завод қарийб 3 миллион сўм зарар кўрди. Шундай қилиб, корхона янги техника ва илғор технологияни ўзлаштириш юзасидан катта иш қилишига қарамай, молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолди. Бу асосий бўғин билан юқори бошқарув органининг ўзаро муносабатлари янги услубига очиқдан-очиқ зид эмасми, ахир?

Материал-техника таъминотининг кўпгина муаммолари ҳал этилмаганлиги корхоналарнинг ташаббусини ривожлантириш ишида тўсиқ бўлиб қолмоқда. Турмуш ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосини тезроқ ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Ғалати бир ҳолат рўй бермоқда: яқин ўтмишда давлат буюртмаси камайтирилишини талаб қилиб келган айрим корхоналар энди улгуржи савдо ва маҳсулот етказиб бериш учун бевосита шартномавий алоқаларнинг «оворагарчилиги»ни сезиб, бутун ишлаб чиқариш программасини давлат буюртмасига ўтказишга уринмоқдалар, шу тариқа туб иқтисодий ислоҳот негизига путур етказмоқдалар.

Бироқ ҳозирги кунгача ишлаб чиқариш моддий эҳтиёжларининг ўндан бир қисмигина улгуржи савдо орқали таъминланмоқда, ўндан тўққиз қисми эса эскичасига — фонд ёрдамида қондирилмоқда. Улгуржи савдони ривожлантириш пировард натижада ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик бозорини вужудга келтиришни билдиради, бу бозор бошқарувнинг алоҳида усулларига муҳтож.

Туб иқтисодий ислоҳотнинг зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган ҳозирги муаммолари асосан мана шулардан иборат. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун жуда қисқа муддатлар ажратилганини таъкидлаб ўтмоқ керак: келгуси ўн учинчи беш йилликка республика экономикасининг узлуксиз ривожланишига ва аҳолининг турмуш даражаси муттасил ошиб боришига кафолат бўладиган пухта иқтисодий механизм билан қадам қўйиши лозим.

Умуман, беш йилликнинг ўтган даврида республика экономикасини ривожлантириш якунларини баҳолаб, иқтисодий ўсиш суръатлари беш йиллик план топшириқларига нисбатан сусайганлигини таъкидлаб ўтиш зарур: ялпи ижтимоий маҳсулот юзасидан берилган топшириқ тўрт миллиард сўмликдан кўпроқ миқдорда, ишлаб чиқарилган миллий даромад юзасидан берилган топшириқ 3,5 миллиард сўмлик миқдорда бажарилмай қолмоқда. Йўл қўйилган қолоқликни танқидий таҳлил этиш, уни бартараф қилиш йўлларини излаб, рўёбга чиқариш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали истиқболдаги иқтисодий ишнинг аниқ-равшан программаси белгилаб олинди, шу программа Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг келгуси 1989 йилги Давлат плани лойиҳасига асос қилиб олинди.

Лойиҳа кўрсаткичларини ишлаб чиқиш давомида беш йилликнинг қолган икки йилида беш йиллик план марраларига чиқиб олиш учун ички резервлар ва имкониятларни қидириб топишга зўр бериб ҳаракат қилинди. Шу мақсадда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга, иқтисодий ривожланишнинг янги сифатига эришишга алоҳида аҳамият берилди. Техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқлар — электр энергетика, машинасозликда, шунингдек агросаноат комплекси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларда, озиқ-овқат муаммоларини, аҳолига моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш масалаларини ҳал этиш билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал кўпайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш йўли давом эттирилди ва кучайтирилди. Қайта ишлаш тармоқларини ўстириш суръатлари анча оширилади. улардаги капитал маблағ сарфлаш ҳажмлари 1988 йил планига нисбатан 20 процентдан зиёд кўпайтирилади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан режалаштирилаётган тадбирлар кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашни анча оширишга таъсир қилади. Ижтимоий ишлаб чиқаришга меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар йили кўпайган қисмини жалб этишдан ташқари ҳозир рўзғор ишида машғул бўлган яна 66 минг кишини ҳам жалб қилиш планлаштирилмоқда. Меҳнатнинг якка тартибдаги ва кооператив шаклларини, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишнинг шартномавий системасини янада ривожлантириш ҳисобига 43 минг киши ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғуллана бошлайди. Натижада меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш даражаси 1985 йилдаги 76,4 процент ўрнига 78,4 процентга етади.

Шундай бўлса, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд қилиш муаммоси бениҳоя мураккаб вазифалигича қолмоқда, чунки 500 мингга яқин иш билан банд бўлмаган киши бор.

Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш йўли билан шу соҳага оид планни ишлаб чиқиш масаласига алоҳида тўхталмоқ керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленумида таъкидлаб ўтилганидек, республикада аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш соҳасида мушкул аҳвол вужудга келган. Асосий маҳсулотларни истеъмол қилиш даражаси Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан ва республика учун белгиланган нормативдан анча орқада қолмоқда. Бунга, биринчидан, Ўзбекистоннинг пахтачиликка ихтисослашганлиги, иккинчидан эса республикада барпо этилган агросаноат комплексининг иқтисодий имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги сабаб бўлмоқда. Шуни айтиш кифоя қиладики, республиканинг гўшт ва сутга бўлган эҳтиёжларини шу ернинг ўзида етиштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш 1980 йилга нисбатан кўпайгани йўқ, ҳатто камайиб бормоқда. 1980 йилда жон бошига гўшт истеъмол қилиш республиканинг ўзида етиштирилган маҳсулот ҳисобига 20,8 килограммни, сут истеъмол қилиш 133,6 килограммни ташкил қилган бўлса, 1987 йилда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 20,7 килограммга, сут истеъмол қилиш 132,3 килограммга тушиб қолди.

Ҳатто мева, резавор мева ва узум истеъмол қилиш солиштирма кўрсаткичи 37 килограммдан 30 килограммга ва сабзавот-полиз маҳсулотлари истеъмол қилиш 116 килограммдан 95 килограммга тушиб қолди. Ҳолбуки, агросаноат комплексининг барпо этилган имкониятлари ва Ўзбекистоннинг табиий-иқтисодий шароитлари барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва уларни истеъмол қилишни ошириш имконини беради.

Ем-хашак базасининг заифлиги жамоат чорвачилигини ривожлантиришга ва унинг маҳсулдорлигини оширишга халақит бераётган энг катта тўсиқ бўлиб турибди. Хашаки экинлар экилган ерларнинг ҳар гектаридан жамоат хўжалигида ўрта ҳисобда 5—6 тонна ўрнига кўпи билан 3,7—4 тонна озуқа бирлиги олинмоқда, шу тариқа ҳар йили 2 миллион тоннага яқин озуқа бирлигидан маҳрум бўлинмоқда.

Келгуси йил планида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизмат соҳасини ривожлантириш республика комплекс программасининг топшириқларини жадал бажариш тадбирларига катта эътибор берилмоқда. Оғир индустрия корхоналарида асосан янги маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уларни ишлаб чиқариш учун ихтисослаштирилган цех ҳамда участкалар барпо этиш ҳисобига истеъмол моллари ишлаб чиқариш анча ортади.

1989 йилда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми беш йиллик топшириқларига нисбатан 9,3 процент ортиқ қилиб лойиҳалаштирилмоқда, бу хизматлар ҳажми 2 миллиард сўмликдан ошиб кетади. Бу эса маиший хизмат соҳасининг жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичини 1987 йилдаги 75,3 сўмликдан 1989 йилда 94,12 сўмликка етказиш ёки қарийб бир ярим баравар ошириш имконини беради.

Планда уй-жой қурилишини жадаллаштириш ва кенгайтириш масалалари алоҳида эътибор билан ишлаб чиқилмоқда. Шу мақсадда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик ҳисоби фондлари маблағлари актив жалб қилинади, уй-жой қурилишида уларнинг улуши камида 15—20 процентни ташкил этади. Йиллик уй-жой программаси жами ҳажмининг ярмидан кўпроғи якка тартибдаги қурилишга тўғри келади. Планда якка тартибдаги ва кооператив усулда уй курувчиларнинг эҳтиёжлари зарур кредит билан ҳамда бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уларнинг ҳамма турларини савдо ташкилотлари орқали реализация қилиш йўли билан мустаҳкамланади.

Ўзбекистон социал-иқтисодий тараққиёти масалаларининг бутун комплексини жадал ҳал этишда экономикани ҳар томонлама интенсивлаш изига ўтказишнинг асосий воситаси бўлмиш фан-техника тараққиётига катта роль ажратилмоқда. Фан-техника тараққиётини бошқаришнинг партия ишлаб чиққан стратегияси, биринчидан, фан ва техникани кенг жабҳа бўйлаб олға силжитишдан, маблағ ва ресурсларни асосий соҳаларга марказлаштиришдан; иккинчидан, техника янгиликларидан оммавий равишда фойдаланишда кенг уфқ очиб бериб, улардан имкони борича кўпроқ самара олишдан; учинчидан, техника ва технологиянинг меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини кўп марталаб оширадиган янги турларини яратиш ва ўзлаштиришни таъминловчи илмий, лойиҳа ва конструкторлик ишланмаларини аниқ мақсадни кўзлаб тез тайёрлашдан иборат.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан каттагина ҳажмдаги ишларни амалга ошириш мўлжалланмоқда, шу йўл билан атмосфера таркибидаги ифлослантирувчи моддалардан кўп қисмини тутиб қолиш ва зарарсизлантириш, ифлос оқава сувлар оқизилишини анча камайтириш ва пахтачиликда таркибидаги заҳарли моддалар камроқ бўлган дефолиантлар ишлатишни кўпайтириш мумкин бўлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг йўл-йўриқлари асосида Орол денгизи ҳавзасидаги экологияни тубдан соғломлаштириш юзасидан катта-катта чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Қайта қуриш тобора кучайиб бормоқда. Олға ҳаракат қилиш йўли очиб қўйилган. Ўртага қўйилган вазифаларни реал равишда тезроқ ҳал этиш учун зўр бериб куч-ғайрат сарфлаш, ижодкорлик кўрсатиш, фаол меҳнат қилиш керак бўлади. Келгуси йиллар энг мураккаб, ҳал қилувчи ва маълум даражада қийин йиллар бўлади. Партиянинг йўлини, унинг иқтисодий сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги режаларимиз, ёндашувларимиз ва иш усулларимизни турмушнинг ўзи имтиҳондан ўтказади. Бинобарин, куч-ғайратни янада ошириш, планлар сўзсиз тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш, республиканинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини янада ошириш учун реал шарт-шароитлар яратиш зарур.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

ЕРЕВАН, 26 сентябрь. (ТАСС мухбири В. Терновский). Арманистон пойтахтидаги аҳвол ташвишли: кўпгина саноат корхоналари ишламаяпти, олий ўқув юртларида машғулотлар тўхтаб қолди. Театр майдонида эрталабдан ўн минглаб одамлар тўпланмоқда, митинглар давом этяпти. Яна олдинги талаблар қўйилмоқда: республика Олий Советининг навбатдан ташқари сессиясини чақириш, Тоғли Қорабоғ автоном областини Озарбайжон ССР составидан чиқариш, Озарбайжондаги арман миллатига мансуб аҳолига хавфсизлик кафолати бериш талаб қилинмоқда.

Айни пайтда олдинги ҳафтага нисбатан аҳвол энг аввало, транспортда яхшиланди, шаҳарда ҳаётни таъминлаш билан боғлиқ бўлган хизматлар пухта ишлаб турибди. Ташқаридан қараганда, Ереван иш ташлаган шаҳарга ўхшамайди. Магазинлар, очиқ савдодаги кооператорларнинг кўли-қўлига тег. майди, ранг-баранг ва шовқин бозорлар Арарат водийсининг кузги саховатини намойиш қилмоқда.

Бунга кўп жиҳатдан Арманистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республика коммунистларига, меҳнаткашларига яқинда қилган мурожаати, шунингдек, Арманистон ССР Олий Советя Президиумининг қарори кўмаклашди, бу қарорда оғир оқибатлар келтириши мумкин бўлган вазият юзберганлигидан ташвиш изҳор қилинган, тангликдан чиқиш йўллари белгилаб берилган.

Мураккаб вазиятда республика партия ташкилотининг ходимлари жойларда — заводларда, қурилишларда, муассасаларда тез-тез бўлиб, туйғуларга, масъулиятсизлик билан қилинган даъватларга учаётган кишилар билан учрашишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бугун Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян энг йирик саноат корхоналаридан бири — «Закавказкабель» бирлашмасининг цехлари ва ишлаб чиқариш участкаларида бўлди. Бу коллективда ҳам ишга чиқмаслик ҳолларн бўлди, июль ойининг бошларида 15 иш куни бой берилди. Ҳозир кабелчилар қўлдан бой берилган ишларнинг ўрнини қоплабгина қолмай, саккиз ой якунларига кўра, планга қўшимча 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

— Биз забастовкаларни қоралаймиз, — деди бирлашма ишчиси Р. Халатян, — забастовка етилган масалаларни ҳал қилиш усули эмас, Тоғли Қорабоғ муаммосини конституцияга мувофиқ ҳал қилиш йўлидан тойдириб юборадиган туйғуларга ҳамма ҳам берилгани йўқ, деб ўйлайман. Менга Сумгаитдаги воқеалар, умуман миллатлараро нифоқ ваҳшийлик бўлиб кўринади. Ҳушёр, соғлом кучлар менинг республикамдаги турмушни нормал изга солишга қодир, деб ўйлайман.

— Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида таъкидлаб ўтилганидек, йиллар давомида ҳал қилинмай келинган социал муаммолар ҳозирги вазиятга таъсир қилди албатта, — дейишди ишчилар Т. Егиазарян, А. Меликян, Р. Акопян. — забастовка ёрдам бера олмайди, ишчи кишига унинг кераги йўқ.

Ҳозирги пайтда Арманистондаги ҳис-туйғулар қанчалик авж олиб кетиши мумкинлигини фараз қилиш анча қийин. Лекин республика аҳолиси кўпчилигининг фикрлари, ҳаракатлари ва ўзларини тутишларида ижобий белгилар пайдо бўлмоқда ва бу умид бахш этмоқда.

ҲАМЖИҲАТЛИК НЕГИЗИ

Социализмнинг 70 йиллик тараққиёти мамлакат экономикаси билан бирга халқлар турмуши, миллатларнинг ўзаро муносабати, интернационализм ва ўзаро ҳамкорликка янги мазмун киритди. Ана шу тараққиёт негизида турли миллатларнинг ягона — Совет халқи оиласи вужудга келди, кўп миллатли Совет давлати илдизлари тобора чуқурлашди.

Қайта қуриш, янгича фикрлаш ва янгича курашиш даври партия ва ҳукуматимизнинг марксча-ленинча ғояларга янгича ёндашувидан, мамлакатни тубдан қайта қуришнинг янгича йўналишларини ишлаб чиққанидан далолат беради. Бизнинг ана шундай ғоявий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётимизда туб бурилишнинг вужудга келаётганлиги ва амалга оширилаётганлиги айрим қора ниятли кишиларни таллвасага соляпти.

Тоғли Қорабоғ воқеалари хусусида ўйлар эканман, хаёлимдан ана шулар ўтади. Бугунги муваффақиятимизни кўролмаётганлар халқлар ўртасида низо чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Бизнинг кўп миллатли ягона оиламизнинг залворли ғалабаларига путур етказишга интилишмоқда.

Бир гуруҳ экстремистлар арман ва озарбайжон халқлари дўстлигини бузишга, уларнинг кўп асрлик анъаналарига доғ туширишга, келгуси авлод олдида юзларини шувут қилишга интилишаётган эканлар, уларнинг хатти-ҳаракатини ҳар икки халқнинг бир қардош-у жондоши сифатида қаттиқ қоралайман. Совет халқлари ҳаётининг фаровонлиги бутун мамлакат территориясида яшаётган юздан ортиқ миллат ва элатларнинг ягона мақсад ва интилиши билан боғлиқ. Бинобарин, биз Тоғли Қорабоғ халқи, унинг меҳнаткаш ва фидойи кишилари манфаати поймол этилишига йўл қўймаймиз. Мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида бўлгани каби Тоғли Қорабоғда ҳам ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлик туйғулари тобора мустаҳкамланиши керак. Зеро бу туйғу халқларимиз, бутун мамлакатимиз фаровонлигининг негизидир.

Исматулла МАМАНОВ,
Тошкент Давлат университети аспиранти.

• Сиз нима дейсиз?

Ўрта аср Шарқининг буюк алломалари Беруний билан Ибн Сино табиият ва тиббиёт соҳаларини шоҳ асарлари билан фан тарихида чуқур из қолдирдилар. Бир неча йил муқаддам ЮНЕСКО қарори билан улар туғилган кунининг минг йиллиги нишонланганди. Яна бир неча йилдан кейин эса шу икки аллома ўртасида илмий-фалсафий мунозаранинг бўлиб ўтганига минг йил тўлади.

997 йили 24 яшар Беруний (бу пайтга келиб у бир қанча зўр асарлар муаллифи эди) Хоразмдан Бухорога, ёш олим, эндигина 17 баҳорни кўрган Ибн Синога Аристотель (Арасту) асарлари юзасидан 18 савол юборди. Ана шу саволларнинг ҳаммаси Аристотелнинг фалсафа, астрономия ва физика соҳасидаги асарларига тааллуқли эди. Ҳар бир савол Берунийнинг фикри Аристотель фикри билан мос келмаган проблемаларга тегишли бўлиб, уларда Аристотелнинг ҳамда Берунийнинг нуқтаи назари келтирилиб, шу хусусда Ибн Синонинг фикри сўралган эди. Мазкур мунозараларни шарҳлашдан аввал савол-жавобларни қисқартирилган шаклда келтиришни лозим топдик.

САВОЛ. Нима сабабдан Аристотель самовий муҳит на енгил, на оғирликка эга бўлмаслиги учун унга марказга томон ва марказдан қочирма хос эмас, деб ҳисоблайди. Ушбу масалани тушунтиришда марказга интилувчи ва марказдан қочувчи кучлар бор-йўқлиги сўралади.

ЖАВОБ: Айланма ҳаракатга на юқори ва на паст тараф бор: шунингдек, на енгиллик ва на оғирлик. Шу сабабли самовий жисмлар ҳаракати уларнинг табиий ҳаракатига мос келади. Шундай қилиб, самовий жисмлар ўзи турган жойда, яъни самовий муҳит ўзининг табиий жойида бўлади. Бироита ҳам самовий муҳит жисмни куч таъсирида ўз жойидан жилдиролмайди.

САВОЛ: Аристотель нима сабабдан самовий муҳит ва оламни ўзгармас ҳамда мангу, деб ҳисоблайди? Наҳотки шу тўғри бўлса?! Нима сабабдан у олам ўзгариб туришини инобатга олмайди? Бунга қадим-қадим даврларда ўзгарган тоғлар далил бўлолмайдими? Бу ҳақда Аристотелдан олдин ўтган олимлар, шунингдек, унинг ўзи ҳам шоҳидлик бериши мумкин. Нима учун содир бўлган аниқ ўзгаришлар ҳисоблашишни истамайди?

ЖАВОБ: Аристотель бу сўзларни далил-исбот учун келтирмай, аксинча, уларни ўз нутқида йўл-йўлакай, шунчаки айтиб ўтади, ҳолбуки, самога тааллуқли иш тоғларга тааллуқли ишларга нисбатан бутунлай ўзгачадир. Ана шуларнинг сабабини билиш керак. Шунингдек, Аристотель оламнинг боши йўқ, деб айтишининг боиси нимада? Буни ҳам билиш керак. Эҳтимол бу билан у, оламнинг ижодкори йўқ дейишни истамагандир.

САВОЛ: Нима сабабдан Аристотель ва бошқалар жаҳоннинг олти тарафи бор дейишган. Ахир шарсимон жисмда, масалан, томонлар йўқ-ку.

ЖАВОБ: Эҳтимол узунлик, кенглик ва чуқурлик, хусусан мазкур жисмнинг ана шу жиҳатлари чеклангандир. Ана шу ўлчовлардан ҳар бирининг икки томони бор. Бу томонларнинг йиғиндиси эса олтига тенгдир. Шар эса шундай жисмлар қаторига киради. Аммо унда узунлик, кенглик ва чуқурлик бўлиши керак. Шу сабабли шар ҳам бошқа жисмлар қатори олтита томонга эга.

САВОЛ: Нима сабабдан Аристотель заррачиларнинг бўлинмаслиги тўғрисидаги таълимотни (атом назариясини) хато, деб ҳисоблайди? Ҳолбуки, жисмларнинг бўлиниши чексиз эканлиги тўғрисидаги даъволар — янада каттароқ хатодир.

ЖАВОБ: Жисм, юза, узунлик, ҳаракат ёки замон, вақт — хуллас, бирон-бир нарса тўхтовсиз, сўнгсиз бўлиши мумкин эмас. Улар бўлинмас заррачалардан иборат бўлади. Яъни, бу заррачалар иккига бўлиш мумкин бўлган оралиқ ва қўш томонлардан иборат бўлмайди.

САВОЛ: Аристотель нима учун биз яшаб турган дунёдан бўлак бошқа муҳитда кун кечирадиган ўзга дунё бор деб тасдиқлаган коинотнинг сўзларини нотўғри, деб ҳисоблайди? Бошқа олам бизнинг олам сингари ўша табиий хусусиятларга эга бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда Аристотелдан олдин ўтган олимлар, шунингдек, унинг ўзи ҳам шоҳидлик бериши мумкин. Нима учун содир бўлган аниқ ўзгаришлар ҳисоблашишни истамайди?

ЖАВОБ: Аристотель бу сўзларни далил-исбот учун келтирмай, аксинча, уларни ўз нутқида йўл-йўлакай, шунчаки айтиб ўтади, ҳолбуки, самога тааллуқли иш тоғларга тааллуқли ишларга нисбатан бутунлай ўзгачадир. Ана шуларнинг сабабини билиш керак. Шунингдек, Аристотель оламнинг боши йўқ, деб айтишининг боиси нимада? Буни ҳам билиш керак. Эҳтимол бу билан у, оламнинг ижодкори йўқ дейишни истамагандир.

САВОЛ: Нима сабабдан Аристотель ва бошқалар жаҳоннинг олти тарафи бор дейишган. Ахир шарсимон жисмда, масалан, томонлар йўқ-ку.

ЖАВОБ: Эҳтимол узунлик, кенглик ва чуқурлик, хусусан мазкур жисмнинг ана шу жиҳатлари чеклангандир. Ана шу ўлчовлардан ҳар бирининг икки томони бор. Бу томонларнинг йиғиндиси эса олтига тенгдир. Шар эса шундай жисмлар қаторига киради. Аммо унда узунлик, кенглик ва чуқурлик бўлиши керак. Шу сабабли шар ҳам бошқа жисмлар қатори олтита томонга эга.

САВОЛ: Нима сабабдан Аристотель заррачиларнинг бўлинмаслиги тўғрисидаги таълимотни (атом назариясини) хато, деб ҳисоблайди? Ҳолбуки, жисмларнинг бўлиниши чексиз эканлиги тўғрисидаги даъволар — янада каттароқ хатодир.

ЖАВОБ: Жисм, юза, узунлик, ҳаракат ёки замон, вақт — хуллас, бирон-бир нарса тўхтовсиз, сўнгсиз бўлиши мумкин эмас. Улар бўлинмас заррачалардан иборат бўлади. Лекин бу хусусиятлар шундай юзага келтирилиши керакки, улар ҳаракатини йўлга солар экан, бу дунёлардан ўз ҳаракат йўналиши билан фарқланади ва ҳар бири бошқасидан аллақандай тўсиқ билан ажратиб қўйилган.

САВОЛ: Само муҳити қайси формада — Аристотель айтганидек, шарсимонми? Ёки эллипсоид ёхуд линза кўринишидами?

ЖАВОБ: Самовий муҳит эллипсоид ёки линза кўринишида деган сохта фаразни исботлаш мақсадида физик, математик ва геометрик йўсиндаги турли далилларни келтириш мумкин.

САВОЛ: Томонлар ҳақида сўз юритиб, Аристотель айтадики, ҳар бир жисмнинг ўнг томони ҳаракат бошланадиган жой ҳисобланади. Кейинчалик, унинг ўзи бу қоидани ўзгартиб, жисм ҳаракати, само ҳаракати Шарқдан юзага келади, чунки Шарқ ўнг тарафдир, деб айтади. Бундай тасдиқ йўсинидаги ҳукмда бу хилда ўзгаришга йўл қўйиб бўлмайди. Негаки, у ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

ЖАВОБ: Файласуф (Аристотель)нинг тасдиқлашича, самовий муҳит Шарқ ўнг томон бўлгани учун ҳаракат шу Шарқ томондан бошланмайди, аксинча Шарқ ўнг томонда тургани учун ундан бошланади. Зеро, само ҳаракати ўнгдан келиб чиқадики, ҳаракатланувчи само муҳитига жонли жисм сифатида қарайдилар.

САВОЛ: Аристотелнинг тасдиқлашича, самовий муҳит ҳаракатланаётганида унга туташ бўлган ҳавонинг ўз-ўзидан ўзгариши йўли билан содир бўлади. Бу зарраларнинг майдаланиб кетиши оқибати эмас. Мен Аристотелнинг табиатдаги пайдо бўлиш ва ўз-ўзидан ўзгариш тўғрисидаги сўзларини келтирдим ва улар мени қаноатлантиради. Бинобарин, бу масалани муфассал таҳлил этиш кўп меҳнат талаб қилади. Ана шу бўлимда эса бунингсиз ҳам баҳсли ўринлар жуда кўп.

Саккизта савол Аристотелнинг физикасига тааллуқли.

САВОЛ: Башарти дум-думалоқ, топ-тоза шиша идиш олиб тоза сув тўлдирилса, қуёш нурида ундан ўт олдириш, ёқиш учун биллур лупа(заррабин) ўрнида фойдаланса бўлади. Бордию бу идишга тоза сув ўрнида ҳаво тўлдирилса, унинг ёрдами билан бирон нарсани ёқиш у ёқда турсин, нурларни жамлаб ҳам бўлмайди. Нима учун шундай?

ЖАВОБ: Сув зич ва силлиқ, табиатан рангсиз жисм бўлиб, шу сабабли унда нур акс этади. Ҳавода эса бундай хусусият йўқ.

САВОЛ: Икки кишидан бири сув ер марказига интилади (ерга тортилади), ҳаво, олов эса марказдан қочади», деса бошқаси: «ҳамма нарса (сув, ер, ҳаво, олов) марказга интилади, лекин марказ томон ҳаракатланиш чоғида оғирроқ нарсалар енгилларидан илгарилаб кетади» дейди. Уларнинг қайси бири ҳақ?

ЖАВОБ: Сув ва ернинг ўзигина марказга интилади, олов ва ҳаво марказдан қочади.

САВОЛ: Нима сабабдан сув остидаги нарсаларни кўриш мумкин, ахир сувнинг сирти силлиқ бўлиб, кўриш нурларнни акс эттириши, қайтариши керак-ку.

ЖАВОБ: Негаки, кўз косасидаги нам тиниқ бўлиб ранг ва тимсолларни қабул қилишга қодир. Бошқа тиниқ жисмлар ҳам ҳаво ва сув сингари ана шу хислатларни ўтказиб беришга қодир бўлиши керак.

САВОЛ: Нима сабабдан курраи заминнинг айрим бўлаклари ободонлаштирилган, бошқалари эса бундай эмас?

ЖАВОБ: Ер юзининг ободонлашмаганлиги асосий сабаблари совуқ ва иссиқ нинг ўз-ўзидан ўзгариши йўли билан содир бўлади. Бу зарраларнинг майдаланиб кетиши оқибати эмас. Мен Аристотелнинг табиатдаги пайдо бўлиш ва ўз-ўзидан ўзгариш тўғрисидаги сўзларини келтирдим ва улар мени қаноатлантиради. Бинобарин, бу масалани муфассал таҳлил этиш кўп меҳнат талаб қилади. Ана шу бўлимда эса бунингсиз ҳам баҳсли ўринлар жуда кўп.

Саккизта савол Аристотелнинг физикасига тааллуқли.

САВОЛ: Башарти дум-думалоқ, топ-тоза шиша идиш олиб тоза сув тўлдирилса, қуёш нурида ундан ўт олдириш, ёқиш учун биллур лупа(заррабин) ўрнида фойдаланса бўлади. Бордию бу идишга тоза сув ўрнида ҳаво тўлдирилса, унинг ёрдами билан бирон нарсани ёқиш у ёқда турсин, нурларни жамлаб ҳам бўлмайди. Нима учун шундай?

ЖАВОБ: Сув зич ва силлиқ, табиатан рангсиз жисм бўлиб, шу сабабли унда нур акс этади. Ҳавода эса бундай хусусият йўқ.

САВОЛ: Нима учун муз сувнинг юзасида бўлади? Ахир у қаттиқ ҳолатга ўтгач, тупроқ табиатига яқинроқ бўлиб қолиши, яъни чўкиши керак-ку.

ЖАВОБ: Сув қаттиқ ҳолатга ўтган вақтда ҳаво зарралари ҳам унинг ичида қолиб кетади. Ана шу нарса музнинг сув тагига чўкишига имкон бермайди.

Ёзишманинг охирида Ибн Сино хотима ўрнида қуйидагиларни ёзган: **«Менга йўлланган саволларга жавобларим ана шулардан иборат. Мабода улардан биронтаси ноаниқ туюлса, марҳамат қилиб изоҳат учун лутфан мактуб йўлласангиз. Ана шунда мумкин қадар зудлик билан бажонидил жавоб йўллайман. Жавоблар кечикиб қолмаса керак, зеро бу ишни қонуншунос Маъсумийга бошқа ишонмайман. Ҳатто у бу сафар ёзишмани тугалладим, деб айтган тақдирда ҳам ишонмайман».**

Ўрта асрлар Шарқи буюк олимлари ўртасидаги бу мунозара Беруний 25 га, Ибн Сино эса 18 ёшга тўлмаган пайтда бўлиб ўтган. Хат мазмунидан кўриниб турибдики, улар ёшлик чоғларидаёқ юнон олимларининг асарларини муфассал ўрганганлар. Беруний буюк мутафаккир, улкан аллома Аристотель асарларини ўрганар экан, бир қанча шубҳали қоида ва фикрларни учратади. Талайгина масалаларда у Аристотелнинг фикрига қўшилмайди. Бу пайтда Ибн Сино Аристотелнинг таълимотини чуқур ўрганган, унинг таъсирига жуда берилган эди. Шунинг учун ҳам Ибн Синонинг жавоблари ҳаққоний ва ўзига хосдир.

Берунийнинг марказдан қочувчи ва марказга интилувчи кучларнинг тенглиги тўғрисидаги, табиат (олам) мунтазам ўзгариб туриши ҳақидаги, жисмларнинг бўлиниши тўхтовсиз эканлиги хусусидаги назарня тўғри эмаслиги, яъни бўлинмас зарралар (атомлар) мавжуд эканлиги ҳақидаги назарня тўғрилиги, бизнинг дунёмиздан аллақандай тўсиқ билан ажралган ва ҳаракат йўналиши билан фарқ қиладиган бошқа моддий дунё мавжудлиги — моҳият эътиборн билан антидунё тушунчаси билан мос эканлиги хусусидаги фикрлари қизиқарли эди. Ўрта асрларнинг буюк олими Нур — иссиқлик элтувчи нур табиатини очиб берди. Модданинг агрегат ҳолати ўзгариши табиатини, бир муҳитдан иккинчисига ўтиш чоғида нурларнинг синиши табиатини очиб беради. У исиган ҳавонинг юқорига кўтарилиш сабабларини изоҳлаб, унинг солиштирма оғирлиги инобатан кам эканлигини айтади, бўшлиқ мавжудлигини далил сифатида келтиради. Ҳар қанақа жисм совуш чоғида кичраймаслиги, масалан, муз кичраймаслигини айтади.

Ана шу саволларда Беруний Аристотель таълимотидаги қарама-қаршликларни топади ва замонавий фан нуқтаи назаридан тўғри изоҳ беради. Бу ҳол унинг ниҳоятда зукко эканлиги, табиатнинг мураккаб ҳодисаларини изоҳлаб беришга ўзига хос тарзда ёндашганлиги ва мустақил тарзда фикр юритганлигини кўрсатади. Беруний ва Ибн Синонинг жаҳон илм-фани тарихидаги буюк хизматларини нишонлаш ҳамда улар ўртасидаги тарихий-илмий философик мунозара минг йиллиги муносабати билан Ибн Сино ватани — Бухорода ёки Берунийнинг ватани Хоразмда архитектура-ҳайкалтарошлик панорамаси ва музейини яратиш айни муддао бўлур эди. **Унда Беруний ва Ибн Синонинг ҳайкалларн, шунингдек, илмий философик мунозара ҳамда алломаларнинг асосий асарлари мазмуни қамраб олинади. Бундай панорама ва музей кўп сонли туристларга, Ер юзининг турли жойларидан келган меҳмонларга Бухоро ва Хоразмдан чиққан, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган олимларни яққол кўрсатиб берган бўлур эди. Бундай таклиф Бухоро ва Хоразм областларининг партия ва совет органларида қўллаб-қувватланади, деб умид қиламиз.**

Ғ. УМАРОВ.
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

АЛЛОМАЛАР МУНОЗАРАСИ

МАНФААТ ВА ИНТИЗОМ

«Одамларни ишлатиш қийин бўлиб қолди», деган гапни хўжалик раҳбарларидан кўп марта эшитган эдим. Яқинда Каттақўрғон районида яна эшитдим. Нима учун одамлар (ҳаммаси эмас, албатта) жон куйдириб ишлашни истамайди. Ахир, меҳнат қилмай кун кечириш мумкинми?

Райондаги «Ленинизм» совхози директори Карим Эрдонов: «Меҳнат мажбурият эмас, ҳаётий эҳтиёж» эканлигини бундай одамларга қандай тушунтириш керак?» дейди. Ҳайрон бўлдим. Ҳозир буни тушунмайдиган одам бормикан, дедим. Фақат ялқов одамларгина буни тушунмас, балки тушунса ҳам ишлагиси келмас.

— Йўқ, уларни ялқов деб бўлмайди, — дейди директор. — Масалан, сувчини олайлик. Тушпа-тузук ишлаб юради. Бир қарасанг йўқ. Бир ҳафта, ўн кун ишга чиқмайди. Кейин пайдо бўлиб қолади. «Ҳа, қайда юрибсиз? Нега шунча кун далада кўринмадингиз?» десангиз: «Ҳадемай қиш келади. Молларга емиш керак, болаларга кийим-кечак...» дейди. Қишлоқларда қурилиш кўп. Сувчимиз кимнингдир ҳовлисига пахса урган ёки томини ёпиб берган. Бу иш учун кунига 25—30 сўмдан ҳақ олган. Колхоз ёки совхозда ишлаб, кунига бунча ололмайди. Бундай одамларга қандай чора кўриш мумкин?...

— Завод, фабрикаларда, ташкилотларда қандай қилинса шундай қилиш керакдир, — жавоб қилдим директорга.

— Йўқ, — деди у эътироз билдириб, улар мажлис қилиб ҳайфсан берсангиз ҳам, ишга чиқмаган кунлари учун ҳақ тўламасангиз ҳам парво қилмайди. Томорқасини олай десангиз, болалари кўп, жабр бўлади. Ишдан бўшатсангиз, Каттақўрғонга кетади. Шаҳарда иш кўп. Бу чоралар фойда бермайди. Колхоз, совхозларда одамларни ишга жалб қилиш — қизиқтиришнинг бирдан-бир йўли — пахта нархини ошириш. Бу ҳақда олимларимиз ёзишмоқда. Республикамиз раҳбари ҳам XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси минбаридан шу таклифни айтди... Кейинги йилларда маъдан, ўғит, ёнилғи нархи уч баравар, машина-механизмлар нархи икки баравар ошди. Лекин пахтанинг баҳоси ўзгаргани йўқ...

Бу гаплардан совхозда аҳвол чатоқ, ҳамма иш ўлдажўлда экан, одамлар ишламай қўйгандан кейин нима бўларди, деган хулоса чиқмайди.

Совхоз ўзига тўқ хўжаликлардан: ўн йил олдин бу ерда 1117 гектар майдонга пахта экилиб, 32,2 центнердан ҳосил олинарди. Ҳозир пахта майдони 1328 гектар, ҳосилдорлик эса 27,1 центнер! Пасайиш албатта! Лекин илгари ҳосилдорлик қўшиб ёзиш туфайли кўп эди, ахир! Шунинг учун совхоз 1986 йил давлатдан 1 миллион 700 минг сўм қарздор бўлиб қолди.

Хўжалик даштда лалмикор ғалла экади. Бу йил ғалла планини ортиғи билан бажариб, давлатга 100 минг сўмлик дон сотди. Ҳозир совхоз омборида минг тонна ғалла бор. Шунинг 300 тоннасини ишчиларга арзон баҳода сотиш мўлжалланган. Давлатга килоси 26 тийиндан сотилган бўлса, совхоз ишчиларига 13 тийиндан берилмоқда. План бўйича 900 тонна сабзавот етиштирилиши керак эди. 1170 тонна сабзавот етиштирилиб, план ортиғи билан бажарилди. 22 гектар ерга экилган пиёздан 400 центнердан ҳосил олинди. Шу пиёзнинг 345 тоннаси шартномага асосан Челябинскка юборилди. Улар килосига 45 тийиндан тўлашди.

Бир хўжалик қувонч ва ташвишлари

Совхозда оҳак ишлаб чиқарадиган цех қурилди. Унда икки киши — ота-бола Жомуродовлар ишлайди. Аравада тоғдан оҳактош келтириб, куйдириб пиширади. Совхоз ишчилари оҳак керак бўлиб қолса овора бўлиб юрмайди.

— Цехга кетадиган харажат 447 сўм, олинадиган фойда 800 сўм, — дейди директор. — Ҳозир давлатдан 491 минг сўм қарзимиз қолди.

Совхозда алмашлаб экиш яхши йўлга қўйилмоқда. 309 гектар ерга беда, 70 гектар ерга силос, 32 гектар ерга дон учун маккажўхори, 30 гектарга ерёнғоқ экилади. Ҳар уч йилда пахта билан алмаштирилади. 117 гектар ер шўрланган, шунинг 30 гектарини боғ қилишмоқчи. Қолганига сабзавот, полиз экинлари экилади. Шу йўл билан тупроқ соғломлаштирилади. Шунингдек, бу йил даштда 12 гектар боғ, 4 гектар узумзор барпо қилинди, келгуси йили яна 300 гектар ерга боғ учун дарахт ўтқазиш мўлжалланган.

— Хўжалигимиз пилла-чиликдан ҳам катта даромад қилди, — ҳикоя қилишда давом этди директор. — Пилла толасининг узунлиги 360 метр бўлса жаҳон стандартига тўғри келади. Килоси 26 сўмдан харид қилинади, Бизда эса намунали пилла-хоналар йўқ. Ҳароратни бир маромда тутиб туриш қийин. Шунинг учун бизда етиштириладиган пилла толасининг узунлиги 200—220 метрдан ошмайди. 10—15 қути пилла уруғи боқиладиган мукаммал пиллахоналар қуришни ўйлашимиз керак. Ҳозир хонадонларда етиштирилган пилланинг килосига 6 сўм 40 тийиндан ҳақ тўланади. Зарур шароит яратиб, пилла сифатини оширсак, пилачилар даромади яна ҳам ошган бўларди.

Суҳбатимиз мавзуи совхоз территориясидан оқиб ўтувчи Қорадарёга, унинг бўйида жойлашган тўқайзорларга келиб тақалди.

— Дарё бўйидаги 146 гектар ерда чаканда (облепиха) ўсади, 149 гектар тўқайзор бор, — яна гап бошлади у. — Агар «тўқайзордан нима фойда, пахта экамиз», деб буздириб юборганимизда, у ердан на тузукроқ ҳосил олиб бўларди, на табиат сақланиб қоларди...

Лекин қатор хўжаликлар ҳамон шундай ерларга пахта экиб келишяпти. Биз фойдасидан зарари кўп бу ишга берилмадик. Ахир тўқайзор ҳам керак-да! Мана, ўша тўқайга яқин Мелиҳўжа, Булоқча, Янгиқўрғонча қишлоқларидаги ҳар бир хонадон ўзларининг сигир-бузоқ, қўй, эчки, отларини шу ерда боқишади. Уларга емиш излаб овора ҳам бўлишмайди... Илгари Мичурин номли совҳозда ишлаб юрган вақтимда самарқандликларга килоси 1 сўм 80 тийиндан 120 тонна майиз сотгандик. Улар майизни қадоқлаб, 3 сўм 40 тийиндан сотишганди. Бизнинг районда ҳам қуруқ мевани қайта ишлайдиган шундай завод қуриш мумкин эмасми? Одамлар иш билан таъминланарди. Қуритилган мевалар шу ернинг ўзида қайта ишланиб, қанчадан-қанча фойда кўрилган бўларди. Бундан ташқари Каттақўрғон шаҳрида ип йигириш фабрикаси, тўқувчилик фабрикаси ёки филиали қурилса, толани узоқ регионларга ташишга кетадиган ишчи ва транспорт харажатлари ҳам тежалган бўларди. Одамларни иш билан таъминлаш масаласи енгилларди. Масалан, совхозимизда 7553 киши яшайди. Лекин хўжаликда шундан 1270 нафаригина ишлайди, холос. Бундай колхоз-совхозлар районимизда оз эмас...

Карим Эрдонов яхши оила бошлиғи каби ўз хўжалигида қаттиқ тартиб-интизом бўлишини истайди. Интизом бўлмаса, ҳамма бир мақсад сари интилмаса ғалабага эришиш, илгари силжиш қийин. Шунинг учун ҳам у доим куйиб пишади. Даладан бир неча кунлаб кетиб қоладиган одамлар кўнглига йўл топишга, таъсир кўрсатишга уринади. Лекин моддий манфаатдорлик бўлмаган жойда қуруқ гап таъсир қилиши қийин...

Маъруф ЖАЛИЛ.



Колхоздан ссуда олиб

Учқўрғон районидаги Энгельс номли колхоз меҳнаткашлари якка тартибда уй-жой қурилишини яхши йўлга қўйишган. Хўжалик аъзолари колхоздан ссуда олиб уй-жой қуришяпти. Механизатор Мирзакарим Азизов ана шуларнинг биридир. Унинг тўрт фарзанди бор. Механик-ҳайдовчи беш хонали уй қураётир.

Суратда: М. Азизов акаси Абдураҳим билан янги уй қурилишида.

В. Молгачев фотоси.

• Агросаноат бўлими почтасидан

ХАТЛАРДА КУЗ САХОВАТИ

Шу кунларда серқуёш ўлкамиз меҳнаткашлари етиштирилган дала неъматлари ва пахта ҳосилини йиғиштириб олиш билан банд. Эл-юрт дастурхонига, умуминтифоқ фондига етказиб берилаётган мева-чева, сабзавот маҳсулотлари ҳажми ҳар қачонгидан салмоқли. «Оқ олтин» карвонлари қабул пунктларига пешма-пеш келиб турибди. Редакциямизнинг агросаноат бўлими ана шу долзарб ишлар ҳақида ҳаваскор қаламкашлардан кўплаб мактублар олмоқда.

Уларнинг кўпчилиги республикамиз қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — пахта йиғим-теримига бағишланган. Жумладан, андижонлик **Я. Ўлжаев** шундай ёзади: «Олтинкўл районидаги Куйбишев номли колхоз деҳқонлари бу йил 1606 гектар майдонга «Андижон-13» ғўза нави экдилар. Айни кунларда улар уруғлик ҳосилни саралаб термоқдалар. Бу иш, айниқса Ўғилой Мамадалиева, Худойберди Эгамбердиев, Мухторжон Юсуповлар етакчилик қилаётган бригадаларда намунали олиб борилаётир. Миришкорлар давлатга 1540 тонна уруғлик пахта сотиб, белгиланганидан 800 минг сўм кўпроқ даромад олишни мўлжалга олишган».

Ҳ. Рустамов, С. Йигиталиев, Ч. Тўхтанов, Р. Жуманиёзова (Андижон), Р. Ҳалимова (Фарғона), Т. Аликулов (Қашқадарё) лар ҳам шу мавзуда қалам тебратишган.

— «Пахтачи райони боғбонлари ва полизчилари эл дастурхонига 1970 тонна мева, 1600 тонна полиз, 4865 тонна сабзавот маҳсулотлари тортиқ этишга бел боғлаганлар, — деб ёзади самарқандлик журналист **Б. Шамсиев.** — Райондаги Киров номли колхоз боғбонлари давлатга 300 тоннадан кўпроқ ҳўл мева етказиб бериб, йиллик планни бажардилар. Бунинг 150 тоннаси Бутуниттифоқ фондига жўнатилди. Наманганлик **Қ. Акбаров,** сирдарёлик **А. Алпомишев,** қашқадарёлик **Ж. Бобоев, Х. Назаров, М. Каримов** ҳам редакциямизга турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

Яна бир қатор хатларда — **Н. Аликулов, Ш. Маҳмудов, У. Нарзиев** (Қашқадарё), **Ҳ. Тожиматов** (Тошкент), **М. Абдураҳмонов** (Хоразм) республикамиз агросаноат комплекси бошқа тармоқларида ҳам юз бераётган ижобий ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни чоп этди:

Авторлар коллективи. Музикачига профессионал таълим бериш муаммолари. 112 бет. Баҳоси 40 тийин (рус тилида).

Музика ўқув юртлари педагогларига мўлжалланган бу китобда музика таълими муаммолари қараб чиқилади.

Норбой Худойберганов. Ишонч. 248 бет. Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Китобда ўзбек адабиёти ва танқидчилигининг долзарб муаммолари қаламга олинади. Адабиётимиз ривожига тўсқинлик қилаётган иллатлар фош қилинади.

Раҳматилла Иноғомов. Кўнгиллар аро кўприк. **Бойназар Йилдошев.** Қардошлик туйғулари. 160 бет. Баҳоси 65 тийин.

Икки адабиётшунос олимнинг изланишларини бирбирига бирлаштирган хусусиятлар, аввало, уларнинг ишларининг ягона мақсадга — адабиётлар дўстлиги, ўзаро таъсир масалаларига бағишланганидир.

Эркин Мадраҳимов. Чақмоқ. 120 бет. Баҳоси 60 тийин.

Бу ҳужжатли қисса ўзбек кинематографининг қалдирғочи Худойберган Девонов ҳақида ҳикоя қилади. Қиссада биринчи ўзбек кинооператорининг босиб ўтган ҳаёт йўли, ижоди хусусида сўз юритилади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ





Суратларда: Олимпиада баҳсларидан лавҳалар. ТАСС телефотоси.

МЕҲР ВА ШАРАФ

Олимпиада мусобақалари якунланиш арафасида. Совет спортчилари Ватандан олисда ўзларига билдирилган юксак ишонч ва масъулиятни қалбдан ҳис этган ҳолда мамлакатимиз спорт нуфузини янада оширишга, «зангори экран» орқали зимдан кузатиб турган минглаб ишқибозларни мамнун этишга интилмоқдалар. Зеро олтин медалларни қўлга киритиш, ғолиблик супасига кўтарилиб, чемпион шарафига Совет Иттифоқи гимни садоларини тараташ осон кечаётгани йўқ. Спортчиларимизни ўзаро ҳамкорлиги, аҳиллиги муҳими, она-Ватанга бўлган меҳр ва муҳаббатлари имкониятларни юзага чиқаришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мақсад жами олтин медалларни 50 тадан кам қилмай, норасмий умумкоманда ҳисобида биринчиликка эришиш.

Ўтган кунги мусобақаларда совет спортчилари ҳисобига яна 7 та медаль қўшилди. Бундан учтаси олтин медалдир. Ўшил майдонда босқон улоқтирувчилар баҳси айниқса кескин бўлди. Икки марта жаҳон чемпиони, Москва Олимпиадасининг кумуш медали совриндори ростовлик Сергей Литвинов 84, 80 метрли маррани эгаллаб зафар қучди. Икки марта Олимпиада чемпиони москвалик Юрий Седих (83, 76 м), киевлик Юрий Тамм (81, 16 м)лар Олимпиадаининг кумуш ва бронза медалларига эга бўлишди. 400 метрга югуриш мусобақалари ҳам қизиқарли ўтди. Ворошиловградлик Ольга Бризгина 48,65 секундли натижа билан маррада биринчи бўлди. ГДР спортчиси П. Моллер пешқадамдан 0,8 секундга қолиб иккинчи ўринни олди. Бронза медали москвалик Ольга Назарова (49,90 с)га насиб этди.

Чарм қўлқоп усталарининг мусобақалари мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Катта рингдаги баҳсларда кимнинг омади келиб, ғолиблик супасини кўзлайдию, кимдир ўйиндан чиқиб, ўзини кўрсатишга йўл топади. Чунончи зоирлик Қадим Чибалабаб биринчи учрашувдаёқ нокаутли зарб еб, ўйиндан чиққан эди. Лекин у қўшиқ айтиш кўригида қатнашишга қарор қилди. Ҳозирча африкалик бу спортчининг ўзи танлаган «мусобақада» ғалаба қозонишига имконият бор, деб ҳисобламоқда. Бокс учрашувларига сотилаётган билетларга талаб эса ортиб бормоқда. Айниқса, СССР, АҚШ, ГДР, Болгария ва Жанубий Корея боксчилари учрашувига қизиқиш катта.

Ленинградлик Александр Артемьев вазни 54 килограммгача бўлган боксчилар билан баҳсда жазоирлик Слиман Зенглини мағлубиятга учратди. Грозний шаҳрида маҳорат оширган Рамзан Себиев (91 кг) италиялик собиқ Европа чемпиони Луиджи Гаудианога ютқазиб қўйди. Бу билан уч боксчимиз учрашувларини давом эттиришдан маҳрум бўлди. Ҳозирча А. Маҳмутов, Т. Скрябин, А. Артемьев, В. Яновский, Е. Зайцев, Н. Шанавазов, А. Мирошниченколар чорак финал учрашувларида баҳс юритишга шай бўлиб туришибди. Маълумки кеча бўлиб ўтган ана шу учрашувларда ғолиб бўлганлар камида бронза медалини қўлга киритдилар. 29 сентябрь куни ярим финал, 1 ва 2 октябрь кунлари эса ҳал қилувчи баҳслар бўлади.

Чавандозлар ўртасида от йўрттириш бўйича команда биринчилиги бўлиб ўтди. Бунда ГФР, Швеция ва Канада чавандозлари совринли ўринларни эгаллашди. О. Климко, Н. Меньков, Ю. Ковшов ва А. Таньковлардан иборат совет командаси тўртинчи ўрин билан кифояланди. Чим хоккейчи йигитларимиз ҳам фурсатни бой беришди. Улар ГФР командаси билан ўйинда 0:6 ҳисобда ютқазиб, совринли ўринларга даъвогарлик қилишдан маҳрум бўлишди. Оғир атлетикачимиз Владимир Кузнецов эса вазни 100 килограммгача бўлган спортчилар орасида икки курашда 425 (190+235) килограммли натижа билан Олимпиада чемпиони бўлди.

Совет олимпиадачилари ҳисобидаги медаллар кўпайиб бормоқда. Вакилларимиз бугунгача 33 олтин, 16 кумуш ва 26 бронза медалига эга бўлиб, команда ҳисобида олдинда боришмоқда. ГДР спортчилари 27 олтин медаль билан иккинчи, АҚШ спортчилари 14 олтин медални қўлга киритиб, учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Ҳар учала команда мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда.

Х. НОСИРОВ.

ОЛИМПИАДА КЎЗГУСИ

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

● **Олимпиада чемпиони, совет спортчиси Нелли Ким XXIV ўйинлар меҳмонидир. Кеча совет спортчиси 19 ёшли кореялик гимнастикачи Ким Со Ённи шифохонага бориб кўрди. Кореялик гимнастикачи 1986 йили Осиё ўйинлари арафасида қаттиқ жароҳатланган эди. Ўшандан бери мусобақаларда қатнашмаяпти.**

Совет спортчисининг ташрифидан Ким Со Ён жуда тўлқинланиб кетди.

«Мен кореялик спортчи билан таништишни жуда-жуда истар эдим. Бунга муваффақ бўлдим», — деди Нелли Ким. Спортчилар ҳозирги Олимпиада ўйинларидаги гимнастикачилар мусобақаси якунлари хусусида фикр алмашдилар.

ОЛИМПИАДА ВАТАНИ СОВҒАСИ

● **Олимпиада ўйинлари мусобақалари авжига чиқмоқда. Ҳадемай олимпиада эстафетаси бўлажак мусобақалар мамлакатларига узатилади.**

Маълумки, 1996 йилги Олимпиада ўйинларини ўзида ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритишга интилаётган Греция давлати ҳам бор. Бу мамлакат делегацияси аъзолари Сеул олимпиадаси шаҳарчаси мэри Ким Енга ажойиб совға топширишганлигини матбуот ҳали-ҳали эсламоқда. Грецияликлар кичкина хайкални совға қилишди. Бу Греция Олимпиада ўйинлари ватани эканлигининг рамзидир.

ЭНГ КЕКСАЛАР

● **Багам ороллардан мусобақаларга келган Дурвард Новлесс бундан 40 йил илгари Лондонда ўтказилган Олимпиадада қатнашган эди. У елканли қайиқ спорти мусобақаларининг иштирокчиси. Яқин кунлар ичида у 70 ёшга тўлади.**

Швециялик қиличбоз аёл Керстин Пальм Олимпиада ўйинларида еттинчи марта қатнашаётир. У 1968 йили Мехикода ўтказилган олимпиадада бешинчи ўринни олган эди.

ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

● **Жанубий Корея Миллий олимпия комитети президенти Ким Чон Ха матбуот конференциясида сўзга чиқиб, истеъфо берганлигини айтди. Боксчилар турнирида рўй берган нохуш воқеа туфайли у шундай қарорга келган.**

Маълумки, жанубий кореялик боксчининг мағлубиятидан сўнг рингда тўс-тўполон бўлган ва австралиялик судья К. Уолкер калтакланган эди.

ХУРМАЧА ҚИЛИҚ

● **Олимпиада чемпионлари — америкалик сузувчилар Т. Дэлбей ва Д. Бьертсен ўз ғалабаларини хурмача қилиқ билан нишонлаб, полиция участкасига тушди. Сеулдаги тунги қаҳвахоналарда «учиб» қолишди ва «совға сифатида» у ердаги қайқални ўзлари билан олиб кетишга жазм этишди. Иккала спортчига пул жаримаси солиниш хавфи бор.**

ФУТБОЛ:

ОЧКО ЙЎҚОТИЛДИ

Биринчи лига коллективлари мамлакат чемпионатининг 35-тур ўйинларини ўтказишди. 11 учрашувда дарвозалар 23 марта ишғол этилди. Чемпионат пешқадами — «Помир» футболчилари очколарини 50 тага етказишди. Иккинчи ўринга талабгор коллективлар ўртасида «Пахтакор» ва Ставрополь динамочилари биттадан очко йўқотдилар, Пахтакорчилар «Металлург» коллективини қабул қилиб, дарвозалар даҳлсиз қолишига эришдилар. Ставрополь динамочилари эса сафарда «Звезда» командаси билан ўйнаб (1:1), жами очколарини 40 тага етказишди. Ҳозир пахтакор 43 очко билан иккинчи бўлиб турибди. «Ротор», «Гурия», ЦСКА футболчиларида 41 тадан очко бор.

Ҳурматли газетхонлар!

Газетамизнинг шу йил 13 август сонида «Аҳвол ўнгланиб боряпти» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда, жумладан, Свердлов, Ғаллаорол, Поп, Уйчи, Учқўрғон, Самарқанд, Хонқа, Ҳазорасп, Шовот, Қумқўрғон, Бўка, Оққўрғон район партия комитетларининг бинолари болалар ва даволаш муассасаларига берилиши тўғрисида сўз юритилган эди.

Баъзи газетхонлар, чунончи, Поп районидан М. Назирова бу ўринда айнан қайси бинолар ҳақида сўз кетаётганлигини тушунтириб беришни илтимос қилмоқдалар. Уларга шуни маълум қиламизки, юқорида тилга олинган районларда илгари шу жойларнинг райкомлари эгаллаб турган янги бинолар қурилиб битказилгач, улар болалар ва даволаш муассасаларига топширилади.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Исоҳор ОҚИЛОВ



Кўп миллатли Ўзбекистон маданияти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Исоҳор Ҳаимович Оқилов вафот этди.

Исоҳор Оқилов 1914 йилда Самарқандда туғилди. 13 ёшидан бошлаб ўз ҳаётини умрбод хореография санъати билан боғлади. 1927 йилда у «Кўк кўйлак» сиёсий маориф труппасида раққос-солист, сўнгра Самарқанд ва Бухородаги яҳудий музикали театрида раққос сифатида хизмат қилади.

1937 йилдан бошлаб Исоҳор Оқиловнинг ҳаёти ва ижоди Ўзбекистон давлат филармониясининг иши билан умрбод боғланди. У филармонияда 40 йилдан кўпроқ вақт бош балетмейстер бўлиб ишлади. Бу ерда атоқли балетмейстернинг ёркин ва ўзига хос истеъдоди тўла ва ҳар томонлама намоён бўлди. Санъаткор кўплаб рақс ва хореографик композициялар ижод қилди ва уларда асар постановкачисининг фавқулодда маҳорати ва унинг ўзбек халқ рақси анъаналарини яхши билиши ўз ифодасини топди.

Исоҳор Оқилов Ўзбекистон ССР Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблини ва Ўзбекистон Давлат филармониясининг Давлат «Шодлик» ашула ва рақс ансамблини, бир қанча халқ ҳаваскорлик коллективларини ташкил этишда қатнашди.

Беқиёс ижодий қобилият, зўр ғайрат ва меҳнатсеварлик касбдошлари орасида унинг обрў-эътибори ўсишига ва томошабинларга манзур бўлишига кўмаклашди.

Улкан санъаткор И. Оқилов ҳамиша янгиликка, бадиий вазифаларни чинакам новаторона ҳал этишга интилди. У эндиликда машҳур артистлар — миллий рақс усталари бутун бир авлодини тарбиялаган педагог, бастакорларнинг меҳрибон мураббийси эди.

Республика хореография санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Исоҳор Оқилов Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, кўпгина медаллар билан мукофотланди, унга Ўзбекистон ССР халқ артисти фахрий унвони берилди, у Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбекистон хореография санъатининг атоқли устаси, толмас меҳнаткаш, ажойиб инсон Исоҳор Оқиловнинг ёркин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари Марказий Комитет масъул ходими А. И. Горюнова онаси

Александра Фроловна ГОРЮНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент Давлат университети ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда юридик факультет коллективи Совет жиноят процесси кафедрасининг доценти М. Ҳусанова онаси

Ҳуринисо ҲУСАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ХАЛҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

• *Мардлик унутилмайди*

У озгина умри қолганини сезганди. Шу сабабли дилидагини қоғозга туширишга шошилди.

У дўсти, ҳарбий мухбир Мелн Жўрага сўнгги мактубини тугатишга интилди. Ўзини қийнаган ва мулоҳазага солган фикрини ҳамкасбига етказишга умрининг сўнгги дақиқаларини сарфлади.

«Мен илгари урушни ўйламас эдим, тўғриси, ўйлашнинг ҳожати йўқ эди. Эсингда бўлса керак, 1938 йили 1 Май паради ва намойиши ҳақида иккаламиз биргалашиб репортаж ёзган эдик. Ленин майдонидан шонли қўшинларимиз саф тортиб, жанговар машиналар еру кўкка ларза солиб ўтганида ҳам урушни ўйлаган эмасдик. Мана, 9 ноябрда чиққан «Қизил Ўзбекистон»нинг иккинчи саҳифаси кўз ўнгимда... Ана, танкеткалар ўрмалаб майдонга киришяпти. Улар изидан кетма-кет ўнлаб танкларнинг тор-мор қилмоқчи бўлибмиз. Йўқ, дўстим, устимизга бостириб кирган душман аноилардан эмас экан, ўлгудай айёр, тиш-тирноғигача қуролланиб олган одамхўр экан. Сен билан мен ниҳоятда содда эканмиз. Ҳарбий санъатни билиб олишга қунт қилмабмиз...»

У оғир ярадор ҳолда ҳаёт билан видолашиш арафасида шундай фикрга келди. Бу офицер-журналист иқрори эди. Уруш арафасида кўпчилик янглиш тасаввурда бўлгани маълум. Эсида, 1939 йилда ҳарбий нашриёт Н. Шпановнинг «Биринчи зарба. Бўлғуси уруш ҳақида қисса» деб номланган китобини босиб чиқарган эди. Унда совет учувчиси шундай дерди:

— Фашистлар бизга таҳдид қилган заҳотиёқ Қизил Армия чегарадан ўтади. Бизнинг мудофаамиз — бу ҳужум, Қизил Армия бир зум ҳам жойида топталмай, пўлат оқимдек уруш оловини ёқувчилар территориясига ёпирилади. Душман чегарамизни бузишга уринган заҳотиёқ биз учун унинг чегараси йўқолажак. Биринчилар қатори биринчи бўлиб совет учувчилари жангга киради.

Н. Шпановнинг фантастик қиссасида уруш бошлангани ва шунда Совет учувчилари доҳий Сталин раҳнамолигида ва Мудофаа Халқ Комиссари К. Е. Ворошилов бошчилигида қандайдир ярим соат ичида душман самолётларини совет ҳаво чегарасидан суриб чиқаргани, тўрт соатдан кейин эса душман ери ичкарисида немис объектларини вайрон қилгани ва улар тамом мағлуб бўлгани мароқ ила тасвирланганди. Ҳолбуки 1941 йил 22 июнда, урушнинг биринчи куни ярмисида Қизил Армия 1200 самолётидан ажралди. Улардан 900 таси аэродромларнинг ўзидаёқ сафдан чиқарилган эди. У ана шу китоб каби янглиш тасаввурлар зарарини кўриб, урушда кўрганлари асосида хулоса чиқарган ва дўстини келгусида шундай хатоларга йўл қўймасликка чақирарди.

«Ўзимни шунча тетик сезишга ҳаракат қилсам ҳам аъзойи-баданим зирқирайди, тинкам қуриб, мадорим кетяпти. Яхшиям касбим журналист экан. Қуролим қўлдан тушган бўлса ҳамки, қаламим тушгани йўқ. Николай Островский Ватанимиз, халқимиз бахт-саодати йўлида жони ҳалқумига келгунча хизмат қилмадими, ахир! Дунёга келиб мен ҳали нима қилибман. Ҳеч, ҳеч... Ана шу учи тўмтоқ қаламим қўлимдан тушмасдан олдин эсимда борида адресингни хат устига ёзиб қўяй... Полевая почта 48251-А.

Дўстим, ҳозирча хайр, сенга атаган мактубим битди. Менинг адресим шу ерда, балки абадий ўзгармас».

Гвардия капитани Обиджон Абдураҳмонов башорат қилганди. Бу унинг сўнгги мактуби эди. Адреси ҳам ўзгармади. Лекин ҳеч нарса қилолмадим дея ўкинган асоссиз эди. У кўп иш қилишга улгурган эди.

У жуда эрта ўз қобилиятини кўрсатиб, ўқитувчилар эътиборини қозонди. Истиқболли йигитни Москвага ўқишга юборишди. Серго Оржоникидзе номидаги машинасозлик институтида ўқиб юрган кезларида Обиджон назарий билимларини амалдаги фаолият билан боғлай олди. Институтни имтиёзли диплом билан тугаллаб, Тошкентга йўлланма олди. Ильич номидаги заводда инженер-экономист ва бош инженер лавозимларида ишлай бошлаганида ҳам эл меҳрини қозониб, ўшу заводда ўз бахтини топди. Фаррош қизи Мукамбарга уйланди. Завод ишчилари ва инженерлари 24 ёшли бу раҳбарнинг билимдонлиги, ишлаб чиқаришни тушунишги ҳамда энг муҳими — одамлар билан ишлай билишидан, камтар ва меҳрибонлигидан мамнун эдилар. Эл меҳрини қозониб, кўпчиликнинг назарига тушган Обиджонни газетага — саноат бўлимини бошқаришга таклиф қилишганида у сира иккиланмади. Чунки, журналист бўлишни болалигидан орзу қилган, бунинг учун даставвал билимдон бўлиш лозимлигини яхши билган.

Обиджон Абдураҳмоновнинг республика экономикасига оид мунозарали мақолалари журналистлар диққатини жалб қилди. Унда муаллифнинг кенг дунёқараши ва чуқур билимдонлиги, саноатни яхши билиши ўз аксини топган эди. Тез орада у газетанинг муҳаррир ўринбосарлигига кўтарилди. 1940 йилда эса «Қизил Ўзбекистон» газетаси масъул муҳаррирлигига тайинланди. Газетачиликнинг жўшқин ҳаёти уни тоблади, етакчи журналистлар қаторига олиб чиқди. О. Абдураҳмонов 1940 йили «Большевистик матбуот» журналига ҳам муҳаррирлик қила бошлади. Журналистикани партиявий фаолият билан қўшиб олиб борган Обиджонга партия катта ишонч билдирди.

1941 йил апрелида ВКП(б) Марказий Комитети қошидаги Партия Контроли Комитетининг Ўзбекистон бўйича вакили ўринбосари вазифасига тайинланди. Ўшанда у 27 ёшда эди.

У бу вазифаларни шараф билан бажарди. Газетани ҳам, журнални ҳам, партиявий вазифани ҳам ўрнига қўйиб уддалади. Обиджон уруш бошланган кундан фронтчасига қаттиқ ишлади. Марказдан кўчирилган саноат корхоналарини жойлаштириш, фронтга ўқ-дори, озиқ-овқат етказиш, минглаб етимларга бошпана топиш, мудофаага оид кўпдан-кўп ишлар ҳам елкасида. Кечаникеча демай ишлашига қарамай кўнгли тўлмасди. Обиджон фронтга боришга ошиқарди.

Усмон Юсупов бу хусусда у билан кўп тортишди.

— Фронтга кетаман, Усмон ака, — дерди у ҳар гал, — ахир барча тенгдошларим фронтда, жанг қилишяпти. Қандай қилиб, мен бақувват, ёш бўла туриб фронтга бошқаларни сафарбар этишга даъват қиламан? Халқ нима дейди? Одамлар менга, ўзинг-чи, Обиджон, нега ўзинг урушга бормайсан демайдими?!

У эндигина ота бўлганди.

— Урушга жанговар руҳда кетмоқдаман. Ўғлимнинг номи Жанговар бўлсин, — деди у онасига.

Уруш айни қизиган 1942 йил февралида Обиджон фронтга кетди.

Фронт газетасининг «Бизнинг қаҳрамонлар» рубрикасида «Обиджон Абдураҳмонов» сарлавҳали очерк босилди. Унда шундай ёзилган:

— «Сафимизга серқуёш Ўзбекистондан Обиджон Абдураҳмонов келди. Бўлинмамизнинг жанговар сафларига у ўзи билан жўшқин ғайратини, большевикча букилмас иродасини олиб келди. Кескин жанг-жадалларда у окопдан-окопга ўтиб жангчиларни руҳлантирди. Муқаддас ва адолатли ишимиз ғалабасига уларнинг ишончларини мустаҳкамлади. У қалбларни чин большевик ҳақиқати синган оташин сўзлари билан аланга олдириб украин ва рус, қозоқ ва ўзбекни, белорус ва яҳудийни — кимгаки она-Ватан азиз ва қадрдон бўлса — ҳамма-ҳаммасини ўз ортидан эргаштирди. Обиджонга Қизил Байроқ ордени топширилганда у шундай деди:

— Ҳаётим билан, она юртим қуёши номи билан қасамёд қиламанки, мен совет халқига сидқидилдан хизмат қиламан!

Эртасига эса тонгда душман бомбасининг парчаси уни сафимиздан чиқарди».

Гвардия капитани, полк партия ташкилоти секретари О. Абдураҳмонов рафиқасига ёзган хатларидан бирида шундай ёзганди:

«Душман тўплари, миномётларидан бизга отилган ўқ, мина мен ҳаёт кечириб турган блиндажлар ёнига тушганда ҳам сени эсимдан чиқармай, Мукамбархон деган хотиним, дўстим бор, деб ўзимга далда бераман. Сор бўлсак кўришамиз дейман, лекин хат ёзиш учун вақт тополмайман. Ўзимнинг қандай аҳволда эканимни кўришинг учун бир ўртоғим билан тушган расмимни сенга юбордим. Сен ўзингнинг, Жанговарнинг расмини юбор. Академик Греков ва унинг оиласига, Зинага салом айт. Сенга саломатлик тилаб жанг майдонидаги ёринг. 24 декабрь 1942 йил.»

Обиджон партия ташкилоти секретари сифатида жасорат кўрсатган солдат ва офицерларни руҳлантириш учун уйларига, ишхоналарига минатдорчилик хатлари ёзишга вақт топарди. Унинг мамлакатимиз турли шаҳарларига юборган хатлари жойларда ноёб ёдгорлик сифатида сақланмоқда. 66-ўқчи гвардиячи дивизия полк командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник Александр Дмитриевнинг ёзишича, гвардия капитани Обиджон Абдураҳмонов ёзган хатлардан 21 таси маълум. Бу хатлардан айримлари 1965 йилда нашр этилган «Гвардия байроқлари остида» китобидан ўрин олган.

Обиджон уруш ҳақида енгил-елпи хабарлар эмас, балки жидий асар ёзишни истаб материаллар тўпларди, қизиқ воқеалар ва зарур фактларни ён дафтарига битарди.

1943 йил августида Орёл-Курск остонасидаги шиддатли жанглардан сўнг Обиджон Абдураҳмоновнинг турмуш ўртоғи Мукамбархон номига гвардия лейтенанти Аня Алешина, капитан Массовичдан хат келди:

«Дугонажон, — ёзган эди Аня Алешина, — шу хатим билан қалбингизга озор берсам узр. Мен эрингиз Абдураҳмонов билан бир қисмда хизмат қилдим. У ажойиб ўртоқ эди. Уни барча жангчилар ва командирлар жуда ҳурмат қиларди. 1943 йил 5 августда душман бомбаси қаҳрамон большевик Обиджоннинг навқирон ҳаётини қурбон қилди. Бу ҳабар барчамизни чуқур қайғуга солди. Мен унинг жасадини ўзбекча таомилга кўра ювдим, оқ ўраб кафанга солдим. Катта иззат-икром ва қизил аскарча шон-шарафлар билан уни дафн этдик. Обиджон қабри олдида унинг учун душмандан шафқатсиз ўч олишга қасамёд қилдик...»

Жасоратли журналист, Қизил Байроқ, 1-даражали Ватан уруши орденлари нишондори гвардиячи капитан Обиджон Абдураҳмонов 29 ёшида ҳалок бўлди. Курск область Томаровск районидаги қардошлик қабристонида дафн этилган юртдошимиз қабрини қуролдош дўстлари зиёрат қилиб туришади. Унинг фарзанди Жанговар Абдураҳмоновга хат йўллашади. Уларнинг ташаббуси билан ўша ердаги мактаб Обиджон Абдураҳмонов номи билан аталган. Ҳар байрамда уруш ветеранлари, комсомолёшлар, пионерлар унинг қабрига гуллар элтишади.

Жанговар Абдураҳмоновнинг тўнғич ўғли ҳозир армия сафида йигитлик бурчини ўтамоқда. У бобосининг жанговар анъаналарини давом эттириб, Ватан ҳимоясида сергак турибди.

Оталар жасорати — фарзандлар мероси, деб шуни айтадилар-да!

Ҳ. СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

Тингланг, томоша қилинг

28 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 10.50 — «Оқ либосдаги аёл». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия-лар. 13.10 — Дебют. 14.50 — Янгиликлар. 15.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 17.30 — Мусиқали Новосибирск. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 18.35 — Дунё воқеалари. 18.50 — Фидойи шахслар. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Қайта қуриш прожектори. 21.00 — Время. 21.35 — А. Баянова ижросида қадимий романслар. 22.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.30 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Гигиена ва физиология тўғрисида суҳбатлар. 10.05 — Немис тили. 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 Н. В. Гоголь. «Тарас Бульба». 12.05 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.00 — Янгиликлар. 15.10 — Ҳужжатли фильм. 16.55 — Телевизион музикали абонемент. 17.15 — Янгиликлар. 17.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Гаплашиб олайлик» Бадиий фильм. 23.00 — Янгиликлар. 23.05 — Эфирда мусиқа.

УзТВ-I. 15.00 — ЎзТВ фондидан. 16.00 — Телефильм. 16.35 — «Контрабанда» Бадиий фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Пионерлар мамлакатида. 19.00 — Қайта қуриш йўлидан. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Қаҳрамон Комилов чалади. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қайта қуриш прожектори. 21.00 — Время. 21.35 — Хат ва ҳаёт. 22.20 — Қувноқлар ва зукколар.

УзТВ-II. 19.05 — «Она қалби». Спектакль. 19.50 — Телефильм. 20.10 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. **Душанба.** 20.50 — Қайта қуриш прожектори. 21.00 — Время. 21.35 — «Насиҳат». Теленовелла. 22.15 — «Генерал Нестеровга топширилсин». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бизга мактуб йўллабсиз. 9.30 — Яллалар. 9.45 — Партиявий иш: шакл ва услубларнинг янгиланиши. 10.15 — Ҳўжалик ҳисоби: тажриба, муаммолар, ечимлар. 11.15 — «Юность». 12.10 — Новатор. 12.30 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Янги номлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Китоб — менинг дўстим. 15.50 — Саломатлик ва дўстлик посбонлари. 16.00 — Қизил! Сариқ! Яшил! 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 — М. Левиев асарлари. 19.20 — Аланга. 19.40 — XIX партия конференцияси: янгиланиш йўли. 20.15 — И. Бахшиш асарларидан концерт. 21.10 — Она табиатни эъзозлайлик. 21.30 — Хирмонингизга барака! 22.40 — Ёзги Олимпиада ўйинларида. 23.00 — И. Л. Андроников туғилган кунининг 80 йиллигига. 23.35 — Келажак адреси.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 10991. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 223. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12